Ф. Б. ТашГУ

Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги шарафига

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 41 (3523). | Якшанба, 26 февраль 1967 йил. | Баҳоси 2 тийин.

ЧИРЧИҚЛИКЛАРНИНГ ЮБИЛЕЙ ЙИЛИДАГИ РЕЖАЛАРИ

● ШАҲАР САНОАТЧИЛАРИ ЙИЛЛИК ПЛАНДАГИГА ҚУШИМЧА 5 МИЛЛИОН СЎМЛИК МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШАДИ.

● КАМИ БИЛАН 2 МИНГТА РАЦИОНАЛИЗАТОРЛИК ТАКЛИФИ ВА ЯНГИ ТЕХНИКАНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ ЭВАЗИГА 2,1 МИЛЛИОН СЎМЛИК ИҚТИСОДИЙ ФОЙДА ОЛИНАДИ.

● ТОВАР МАҲСУЛОТИ ТАННАРХИНИ АРЗОНЛАШТИРИШ ҲИСОБИГА КАМ ДЕГАНДА БИР МИЛЛИОН СЎМ ТЕЖАБ ҚОЛИНАДИ.

● ЙИЛ ДАВОМИДА ДЕҲҚОНЛАРГА 17,5 МИНГТА КУЛЬТИВАТОР, 3000 ТА ҚЎРАҚ ТЕРАДИГАН АГРЕГАТ, КАНОП ПОЯСИ ШИЛАДИГАН 700 ТА МАШИНА ЕТКАЗИБ БЕРИЛАДИ.

ЧОРВОҚ ГЭСИ УЧУН

ЛЕНИНГРАД, (ТАСС мухбири). Ўзбекистондаги энг катта энергетика иншоати — Чорвоқ ГЭСи Ленинград машинасозларининг янги мижози бўлиб қолди. Станциянинг иккита турбинаси учун керакли металл конструкцияларнинг охирги тонналари «КПСС XXII съезди» номли металлургия заводидан Тошкент областидаги Барраж станциясига юборилди.

Юбилей йилида завод ГЭС қурувчиларига шундай деталларнинг яна иккита комплектини юборади.

Ҳозир 16 та электр станциядан иборат бўлган Чирчиқ дарёсидаги ГЭСлар тизмасига кирувчи сўнгги станциянинг жами қуввати 600 минг киловатт бўлади. Ундаги тўртта турбинанинг ҳар бири 150 минг киловатт қувватга эга бўлиб, улар гоят «чидамли» бўлади: ленинградликлар уларнинг ремонтсиз ишлаш муддатини икки баравар узайтириш мажбуриятини олдилар.

ЧИРЧИҚ-ЮБИЛЕЙГА

ОКТЯБРЬ ОДИМЛАРИ

СОЦИАЛИСТИК Чирчиқ — Улуғ Октябрь революциясидан кейин областимиз картасида ҳосил бўлган шаҳарларнинг тўнғичи. Кўп миллатли совет халқининг фидокорона меҳнати, ғайрат-шижоати билан бунёд этилган бу шаҳар эндиликда республикамизнинг йирик саноат марказларидан бирига айланди. Унинг корхоналарида ишлаб чиқарилаётган турли-туман машиналар, минерал ўғитлар, қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металлар, кенг истеъмол товарлари, нурхоналарида ҳосил қилинаётган электр қуввати мамлакатда коммунистик жамият қуришдек оламшумул-тарихий вазифанинг амалга оширилишига хизмат қилмоқда.

Айниқса, шу кунларда чирчиқликлар мисли кўрилмаган кўтаринки руҳ билан меҳнат қилмоқдалар. Барча завод ва фабрикаларда, қурилиш, транспорт, алоқа ташкилотларида Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги шарафига социалистик мусобақа авж олмоқда. Ҳар бир ишчи, ҳар бир хизматчи ва инженер-техник ходим бу улуғ санани муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш иштиёқида ҳиммат камарини маҳкам боғлаб ишламоқда.

Чирчиқликлар КПСС XXIII съезди тарихий қарорларидан бениҳоя руҳланиб, ўтган хўжалик йилини яхши кўрсаткичлар билан якунладилар. Пландагидан ташқари деярли 8 миллион сўмлик саноат маҳсулоти тайёрланди. Жуда кўп янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Уларнинг бу йилги марралари янада юксакдир. Ҳар бир корхона ва ташкилот коллективи ўз ички имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, беш йилликнинг иккинчи йилини муддатидан илгари бажаришга аҳд қилди.

САНОАТ. **Ялпи саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш йиллик планини муддатидан илгари — 26 декабргача бажаришга аҳд қилишди.** Меҳнат унумдорлигини ошириш топшириғи эса икки процент зиёдаси билан адо этилади. Рационализатор ва ихтирочилик таклифларининг ками билан икки мингтаси жорий қилиниб, шу ҳисобдан бир ярим миллион сўмлик иқтисодий жамғарма олинади. **Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги кунигача пландагидан ташқари тўрт миллион сўмлик, йил охиригача эса беш миллион сўмлик, шу жумладан, бир неча минг тонна минерал ўғит, юзларча минг сўмлик қаттиқ қотишмалар, 230 минг сўмлик химия ва электротехника асбоб-ускуналари, 10 миллион киловатт-соат электр қуввати, 200 минг сўмлик қишлоқ хўжалик машиналари ва уларга эҳтиёт қисмлар, 13 минг жуфт пойафзал ишлаб чиқарилади.**

Чирчиқликлар моддий техника ресурсларни ва пул маблағларини тежаб-тергаб сарфлаш юзасидан бошланган оммавий кўрикда актив иштирок этадилар. Барча корхоналарда ташкил этилган кўрик комиссиялари иш бошлаб юбордилар. **Йил давомида 14,5 миллион киловатт-соат электр қуввати, 40 минг сўмлик қаттиқ қотишма концентратлари, 350 тонна қора металл, 550 минг квадрат дециметр чарм товарлари, 200 минг сўмлик ёрдамчи материаллар иқтисод қилинади.**

Саноат корхоналарининг коллективлари белгиланган бу марраларни муваффақиятли эгаллаш учун ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш, иш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш, янги техника воситаларини жорий қилиш юзасидан жуда кенг тадбирлар программасини белгилашди. Ишлаб чиқаришни планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системасига ўтишга тайёргарлик янада тезлашади. Шу йўл билан асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш яхшиланади, корхоналарнинг рентабеллилиги, капитал маблағларнинг самарадорлиги эса ошади. Йил давомида товар маҳсулоти таннархини камайтириш йўли билан пландагига қўшимча кам деганда бир миллион сўмлик жамғарма олинади, асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойда олиш эришилган даражадагига қараганда 3 процент ортади. Янги техникани жорий қилиш йўли билан 600 минг сўмлик маблағ тежаб қолинади. Шаҳардаги қатор корхоналар цехлари, участкалари, бригадалари ҳар бир иш жойида меҳнат илмий асосда ташкил этилади. Бир қанча поток линиялари ишга туширилади. Маҳсулот сифатини яхшилашга қаратилган жуда кўп тадбирлар амалга оширилади.

Шаҳар корхоналарида бир қанча янги хил маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилади. «Чирчиксельмаш» заводида шу йилнинг биринчи кварталида «ЛС-1» маркали каноп поясини шиладиган янги машина ишлаб чиқариш йўлга қўйилади ва шу йилнинг 1 октябригача бундай агрегатлардан ками билан 700 таси қишлоқ хўжалик меҳнаткашларига етказиб берилади. Трансформатор заводи коллективи эса Улуғ Октябрнинг 50 йиллигигача янги маркадаги етти хил трансформаторнинг дастлабки нусхаларини ишлаб чиқаришни йўлга қўяди. Пойафзал фабрикасида янги 48 моделли оёқ-кийимлари тайёрлана бошланади. «Ғунча» тикувчилик фабрикасида эса, янги кийим-кечакларнинг юз хили қўлдан чиқарилади.

ҚУРИЛИШ. Шаҳарда жуда кенг ҳажмда қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилади. **Қурилиш плани 28 декабргача тўла адо этилади ва қўшимча 200 минг сўмлик объектлар тикланади. Ажратилган капитал маблағларни ўзлаштириш, асосий фондлар ва ишлаб чиқариш қувватларини фойдаланишга топшириш йиллик плани 30 декабрга бажарилади. Йил давомида 44 минг квадрат метр уй-жой, унинг 34 минг квадрат метри 1 ноябргача меҳнаткашларга совға қилинади.** Гишт заводида ҳар йили 50 миллион дона гишт ишлаб чиқарувчи қувватлар биринчи кварталда, 964 ўринли мактаб 1 августгача, «Чирчиксельмаш» заводининг пресслаш корпуси 1 ноябргача, электрохимия комбинатининг янги ишлаб чиқариш қувватлари белгиланган муддатларда фойдаланишга топширилади. Ўзбекистон қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металлар комбинатининг 16-цехи ва қатор уй-жойлар тармоқ графиги асосида бунёд этилади.

Нур ва дур манбаи бўлган Чорвоқ гидроэлектростанциясини бунёд этиш бўйича белгиланган йиллик топшириқлар муддатитидан илгари адо этилади. 4 миллион кубометрдан ортиқ ҳажмдаги тупроқ-шағал ишлари бажарилади. 140 минг кубометр бетон ва темир-бетон ётқизилади.

ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА. Транспорт ташкилотлари коллективлари юк ташиш ва аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳажмини кўпайтириш ҳамда сифатини яхшилашга аҳд қилдилар. **Юк ташиш йиллик плани 25 декабргача бажарилади. Меҳнат унумдорлиги топшириқдаги 2 процент ўрнига 3 процент оширилади.** Юк машиналарнинг фойдаланиш коэффициенти пландаги 0,70 ўрнига 0,71,5, автобусларники 0,78 ўрнига 0,80, енгил таксиларники 0,70 ўрнига 0,71 га етказилади. Автомашиналарни эксплуатация қилишни яхшилаш ҳисобига 650 та покришка, 75 минг литр бензин ва 42 минг литр дизель ёнилғиси тежаб қолинади. **2-ва 10-автобазалар шу йилнинг иккинчи кварталида планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системасига ўтиб ишлашга тайёргарликни тугаллайди.**

Алоқа узели ходимлари йиллик плани 29 декабргача бажаришади. Шаҳар аҳолисига алоқа хизмати кўрсатиш яхшиланади. Янги почта бўлимлари очилади. Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги кунигача 2 минг номерли автоматик телефон станциясини кенгайтириш ишлари тугалланади. Шаҳарда юзлаб янги телефонлар, радиоточкалар ўрнатилади.

САВДО ВА МАИШИЙ ХИЗМАТ. Шаҳар савдо ташкилотлари ходимлари меҳнаткашларга хизмат кўрсатишни яхшилаш учун бундан буён ҳам тинмай изланадилар. **Товар обороти йиллик плани 29 декабргача бажарилади. Пландагидан ташқари 10 минг сўм фойда олинади. 150 ўринли ошхона, 140 ўринли кафелар, ресторан, 4 та янги магазин, бир қанча павильонлар очилади.**

Шаҳар аҳолисига маиший хизмат кўрсатиш йиллик плани 27 декабргача адо этилади. **Маиший хизмат кўрсатиш ҳажми ҳар бир киши ҳисобига 14 сўмга етказилади.**

ОБОДОНЛАШТИРИШ ВА КОММУНАЛ ХЎЖАЛИК. Чирчиқликлар юбилей йилида шаҳарни ободонлаштириш ва коммунал хўжаликни такомиллаштириш юзасидан жуда кўп иш қиладилар. **16 километр узунликдаги газ тармоқлари қурилади, қўшимча 3400 квартира газлаштирилади. Пландагидан ташқари 98 минг сўмлик жамғарма олинади.** Тозалаш иншоотлари тармоғи кенгаяди ва йил охиригача ана шу ишлар учун 500 минг сўм сарфланади. Машинасозлар посёлкасида водопровод тармоғи қурилади. Қатор кўчалар реконструкция қилинади ва ободонлаштирилади. Шаҳарни кўкаламзорлаштириш бундан буён ҳам кенг кўламда давом эттирилади.

Социалистик Чирчиқ меҳнаткашлари зиммага олинган бу юксак мажбуриятларни тўла-тўкис бажариб, Совет ҳокимиятининг 50 йиллигини катта меҳнат совғалари билан кутиб оладилар.

(Чирчиқликларнинг юбилей йилидаги меҳнатлари ҳақидаги материалларни газетамизнинг иккинчи бетида ўқийсиз).

Чирчиқ электрохимия комбинатида донг таратган ишчилар оз эмас. Ушбу суратда сиз пешқадам кимёгарлардан В. Квашнина (чапдан), З. Скрябникова, К. Рустамов, З. Жданова, В. Лачкарев, Ф. Юнусов, С. Рибакова ва А. Логозинский ўртоқларни кўриб турибсиз.

А. Абалян фотоси.

ШАҲРИМ—ФАХРИМ

Қирқ кокилли дарё бўйида,
Шоирларнинг достон, куйида,
Тўлин ойдай тўлишиб кетган,
Сухсур қиздай бўйига етган.
Нурга чўмган она-шаҳрим бор
Ифтихорим, дилда фахрим бор.

Ҳар манзилинг кўркам-у, обод,
Боғларингда кезсам кўнгил шод.
Бунёд этган инсонлар қўли,
Сен чаманнинг бир даста гули.
Меҳрим тушган гўзал шаҳрим бор,
Таърифи минг ғазал шаҳрим бор.

Сенга камол берди партиям,
Соҳиб жамол берди партиям,
Офтоб бўлиб нурини сочди,
Улуғ бахтинг йўлини очди,
Бахтига ёр, дилдор шаҳрим бор,
Ҳамишалик баҳор, наҳрим бор.

Нуринг билан чароғон диёр,
Сенга боқий, толе, иқбол ёр.
Кимёгарлар соҳиби устоз,
Сен яратдинг машиналар—соз.
Мўъжизакор улкан шаҳрим бор,
Элга бойлик унган шаҳрим бор.

Юлдузлардан исирға тақиб,
Келажакка қулибди боқиб.
Тинчликни деб элга гул сочар,
Яхшиликка қулочин очар.
Менинг шундай ботир шаҳрим бор,
Буюк ишга қодир шаҳрим бор.

Меҳмон бўлиб келинг, Чирчиққа,
Завққа тўлиб келкинг, Чирчиққа,
Бундан илҳом олиб кетасиз,
Агар ёқса қолиб кетасиз,
Чирчиқдайин она-шаҳрим бор,
Ифтихорим, дилда фахрим бор.

Раҳимберди УМАРОВ.

ОБЛАСТЬ КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ СЕМИНАРИ

Областимиздаги колхоз раислари, совхоз директорлари ва бўлим бошқарувчиларининг олти кун давом этган семинари ўз ишини тугатди.

Семинарда область партия комитетининг биринчи секретари М. А. Абдураззоқов моддий манфаатдорлик принципларини изчиллик билан амалга ошириш тўғрисида лекция ўқиди. Область ижроия комитетининг раиси Э. Т. Шайхов семинар қатнашчиларига хўжалик ҳисобини мустаҳкамлаш колхоз-совхоз ишлаб чиқаришининг самарадорлигини оширишнинг муҳим омили эканлиги тўғрисида гапириб берди. Область партия комитетининг иккинчи секретари А. С. Пономарёв колхоз правлениеси ва совхоз дирекциясининг партия бюроси ва жамоат ташкилотлари билан ўзаро алоқаси тўғрисида гапирди. Область партия комитетининг секретари П. В. Костриков «Социалистик қишлоқ хўжалиги ва унинг коммунизм модий-техника базасини яратишдаги роли» деган темада лекция ўқиди. Халқ хўжалиги институтининг кафедра мудири В. Ким ўз лекциясида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг таннархи ва колхоз-совхоз ишлаб чиқаришининг рентабеллиги масаласига тўхтатиб ўтди. Бутуниттифоқ пахтачилик илмий текшириш институтининг директори Н. М. Маннонов семинар қатнашчиларига ғўза парваришидаги янгича усуллар тўғрисида гапириб берди.

Семинар қатнашчилари Янгийўл районидаги 4-«Чиноз» совхоз-техникуми ва «Интернационал» колхозига бориб, илғор тажрибалар билан танишдилар.

Семинарнинг якунловчи машғулотида область партия комитетининг биринчи секретари М. А. Абдураззоқов нутқ сўзлаб, область қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларининг юбилей йилидаги вазифаларига тўхталиб ўтди.

Семинарни область ижроия комитетининг раиси Э. Т. Шайхов якунлади.

НАШРИЁТЧИЛАР ВА ПОЛИГРАФЧИЛАР КЕНГАШИ

23 февралда Тошкентда Ўзбекистон нашриётлари, полиграфия корхоналари ва китоб савдоси партия-хўжалик активининг республика кенгаши бўлди. Республика Министрлар Совети Давлат матбуот комитетининг раиси З. И. Есенбоев Ўзбекистон ССР Министрлар Совети давлат комитети корхона ва ташкилотларининг 1966 йилги ишлаб чиқариш фаолияти якунлари ҳамда 1967 юбилей йилининг вазифалари тўғрисида сўзлади.

Кенгаш ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Н. Нишонов, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги матбуот комитети раисининг ўринбосари Н. И. Спихнулин қатнашдилар. (ЎзТАГ).

БЕШ ЙИЛЛИК ВАХТАСИДА

СИЗГА табассум билан қараб турган бу кишини «Ўзсельхозтехника» бирлашмасининг Ўрта Чирчиқдаги ремонт устахонасининг коллективи жуда ҳурмат қилишади. Унинг ишидан доимо ҳамма хурсанд. Бу моҳир ишчи шу кунларда яна ҳам ғайрат кўрсатиб ишлаб, ремонт ишларини тезлаштиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда. У юбилей вахтасида туриб кунлик ишлаб чиқариш нормасини 1,5 баравар қилиб бажараётир. Суратда: илғор слесарь ўртоқ В. Тимофеев.

В. Сироткин фотоси.



ТОШКЕНТ ГРЭСининг бешта блоки тўла қувват билан ишлаб турибди. Турбиналар ҳосил қилаётган Ильич нурлари хонадонимизни чароғон қилмоқда, корхоналар кучга куч қўшмоқда. Ушбу суратда сиз электр цехининг инженери Ботир Акромов (чапда) ва электромонтёр Николай Апанасенко ўртоқларни кўриб турибсиз. Улар линияларарО считни кўздан кечирмоқдалар.

Р. Жуманиёзов фотоси.

КРЕМЛДА УЧРАШУВ

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний 24 февралда Кремлда Чехословакия Социалистик Республикасининг Ташқи ишлар министри Вацлав Давидни қабул қилди. Чехословакия Социалистик Республикасининг СССРдаги элчиси О. Павловский министрга ҳамроҳ бўлиб келди.

Н. В. Подгорний билан В. Давид ўртасидаги суҳбат самимий, ўртоқларча вазиятда ўтди.

Суҳбатда СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико, СССРнинг Чехословакия Социалистик Республикасидаги элчиси С. В. Червоненко иштирок этдилар.

(ТАСС).

МЎЪЖИЗАЛАР ШАҲРИ

ҲОСИЛ ФАБРИКАСИ

Пахтакорлар корхонамизни шундай деб аташади. Чунки пахтачиликни юксалтириш, «оқ олтин»дан мўл ҳосил етиштириш кўп жиҳатдан коллективимиз ишига ҳам боғлиқ. Бу ерда табиий газдан ишлаб чиқарилаётган минерал ўғитлар қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини оширишга хизмат қилмоқда. Янги беш йиллик планда деҳқонлар олдида турган жуда катта вазифаларнинг бажарилишига, коммунистик мўл-кўлчиликни юзага келтиришга биз ҳам ўз ҳиссамизни қўшишимиз керак. Бу эса, коллективимизнинг ҳар бир аъзосидан унумли ва сифатли ишлашни талаб этади.

Шу кунларда комбинатнинг қайси бир участкаси ёки цехида бўлманг, ҳамманинг заҳ-шавқ билан меҳнат қилаётганлигининг гувоҳи бўласиз. Бунинг боиси ҳаммага маълум. Буюк сана — Улуғ Октябрь революциясининг 50 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш мақсади ҳамма жойда меҳнат қўтаринкилигини мавж урдирди. Ҳар бир цех, участка, смена ва бригада коллективи зиммага юксак мажбуриятлар олиб ишламоқда. Корхона бўйича бу йил пландагига қўшимча кўп миқдорда маҳсулот ишлаб чиқармоқчимиз.

Коллективимиз ўртасида яна бир янгилик вужудга келди— «Октябрнинг 50 йиллиги коллективи» номини олиш учун мусобақа бошланди. Ҳозирнинг ўзидаёқ бешта цех, ўнга яқин бригада, бир неча участка ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари шу юксак номин қозониш учун кураш бошладилар.

Комбинатда январь ойи ишлаб чиқариш плани ортиғи билан адо этилди. Сменамиз коллектиан ҳам бунга дуруст ҳисса қўшди. Ойлик топшириқни 104,2 процент қилиб адо этдик. Февраль ойида ҳам чакки ишламаяпмиз. Унинг иккинчи кунлиги нормаси 108,6 процент қилиб бажарилди. Лекин бундан ҳам унумли ишлашимиз учун имкониятлар бор. Биз бундан буён ана шу имкониятларни ишга солишимиз, ишимиз ютуқларининг янада салмоқли бўлишига астойдил интиламиз. Бу эса, Улуғ Октябрнинг 50 йиллик байрамини муносиб нишонлаш гарови бўлади.

Ғ. ДАДАБОЕВ,
электрохимия комбинати металл конверсияси цехининг смена бошлиғи.

КАМОЛОТ САРИ

«...Агар Чирчиққа бундан бир йил муқаддам келган бўлсангиз ва бу ерда икки-уч йилдан кейин барпо этиладиган барча нарсаларнинг планини қўлингизда ушлаб, шаҳарни яна бир кўздан кечирсангиз, ўйлайманки, сиз ҳам унга «мўъжизалар воҳаси» деб ном қўйишдан бошқа илож топа олмайсиз».

Чирчиқ шаҳри, унинг мўъжизалар конн эканлиги ҳақида зўр ифтихор билан битилган бу илиқ жумлалар машҳур чех ёзувчиси, халқимиз, она-Ватанимизнинг содиқ дўсти Юлиус Фучик қаламига мансубдир. Бундан ўттиз беш йилча илгари Чирчиққа берилган бу таъриф Улуғ Октябрнинг ярим асрлик тўйига тараддуд кўрилаётган шу кунларда бежиз эсга тушмаяпти. Ажойиб адиб шаҳарга шундай ном берганда қанчалик ҳақли эканлигига шу кунларда Чирчиқни кезсанг яна бир бор қаноат ҳосил қиласан.

Ҳа, социалистик Чирчиқ — мўъжизалар, уларни яратаётган мўъжизакорлар шаҳри. Ҳар қадамда, ким билан суҳбат қилманг, бунинг гувоҳи бўласиз. Бир вақтлар ҳаво ва сувдан, эндиликда сахий ўлкамиз «зангори олови» — газдан минерал ўғитлар ҳосил қилинаётганлиги турли-туман материаллар ва хомашёлардан олмосдан ҳам мустаҳкам бўлса мустаҳкамки, аммо ундан қолишмайдиган қаттиқ қотишмалар, юзларча ҳароратдаги иссиқликни писанд қилмайдиган металлар яратиш — мўъжизакорлик эмасми?! Шўх ва асов дарёни ўз изига солиб, унинг куч-қудратидан электр нури олиш, турли-туман темир-терсакларни агрегатлар, машиналар, трансформаторларга айлантириш мўъжиза эмасми?!

Эҳ-ҳе, буларни санаб саноғига етаолмайсиз. Чирчиқликларнинг қадоқ қўллари, пешона тери, ақл-заковати ва меҳру муҳаббати билан, танимсиз ишланиши, ижодий фикри билан рўёбга чиқаётган бундай мўъжизалар битмас-туганмасдир. Завод-фабрикаларда киши ақлини шоширатиб, донги оламга таралган ажойиб ва ғаройиб машиналар яратилмоқда. Химия асбоб-ускуналари ва трансформаторлар, қишлоқ хўжалик машина-механизмлари ва қаттиқ қотишмалар... — буларнинг ҳаммаси жаҳон бозорида юксак баҳоланмоқда, уларни сотиб олувчи чет эл мамлакатлари сони тобора кўпаймоқда. Эндиликда Чирчиқ республикамизнинг ўз маҳсулотлари билан жаҳонга танилган йирик саноат маркази бўлиб қолди. Бундан ярим аср муқаддам хатто кетмон-мию ҳам четдан келтириладиган ўлкамиз учун бу ҳам бир мўъжиза-ку...

Шуларнинг ҳаммаси Улуғ Октябрь революцияси, унинг ташкилотчиси Коммунистик партиянинг оталарча ғамхўрлиги туфайли, ленинча миллий сиёсат натижасидир. Мамлакатимиздаги катта-кичик барча халқлар қардошлиги, ҳамкорлиги, дўст ва иноқлиги меваси сифатида оламга келди бу шаҳар. У республикамизда Совет ҳокимияти даврида вужудга келган социалистик шаҳарлар туркумида тўнғич ҳисобланади. 1934 йилнинг 1 майи шаҳар тарихи йилномаси дебочасига зархал ҳарфлар билан ёзилган. Шу куни тантанали суратда шаҳар пойдеворига дастлабки гишт қўйилди. Чирчиқ тарихи—мамлакатимизнинг пахта мустақиллиги учун кураш, Ўзбекистонни электрлаштириш, Ўрта Осиёда химия индустриясини яратиш тарихидир.

МИНГИНЧИ КОМПРЕССОР

«Ўзбекхиммаш» заводида тайёрланаётган компрессорлар халқ хўжалигининг барча тармоқларида кенг қўлланиляпти. Химия, қора ва рангли металлургия, нефтни қайта ишлаш, газ, энергетика, озиқ-овқат ва бошқа саноат корхоналарида фойдаланиляпти.

Машинасозлар компрессорлар ишлаб чиқаришни Улуғ Ватан урушн йилларида ўзлаштиришган эди. Ўша вақтда камқувват поршенли агрегатлар ишлаб чиқарилар эди. Кейинчалик юксак унум билан ишлайдиган «ТВ—80—1,6» маркали компрессорлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Яқинда шундай компрессорнинг мингинчиси қўлдан чиқарилди.

Чирчиқликлар Ильичнинг ҳаётбахш дастлабки чироқларидан бири шу ерда ёқилганлиги билан ҳақли равишда фахрланадилар. Чирчиқ электрохимия гигантининг қурилиши мамлакатимизда «оқ олтин» етиштиришни кўпайтиришда беқиёс роль ўйнади. Руслар ва ўзбеклар, украинлар ва қозоқлар, тожиклар ва қирғизлар, мамлакатимиздаги бошқа барча миллат вакиллари худди бир онла аъзоларидек қўлни-қўлга бериб меҳнат қилмоқдалар. Улар завод ва фабрикаларда фидокорона меҳнат қилиб халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун ҳар йили юз миллионларча сўмлик турли-туман саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришмоқда.

Шаҳар йилдан-йилга камолот сари одим ташлаяпти. Унинг коммунистик қурилишга қўшаётган ҳиссаси тобора салмоқли бўлмоқда. Бу ерда янги саноат объектлари қад кўтаряпти. Маҳсулот ишлаб чиқариш муттасил ортмоқда. Янги-янги посёлкалар бунёд этиляпти. Шаҳарликларнинг турмуш шароити яхшиланяпти. 20 дан ортиқ умумий таълим мактабларида минглаб ёшлар билим асосларини ўрганиляпти. Тошкент политехника институти бўлимида, техникумларда 3 мингдан ортиқ студент таҳсил олмоқда. Шаҳар аҳолисининг деярлик ярми ўқувнинг у ёки бу соҳаларида илм олмоқдалар. Ўнлаб маданий-маиший муассасалар — химиклар ва машинасозларнинг маданият саройлари, ўнга яқин катта-кичик клублар, ўнбешдан ортиқ кинотеатр шаҳар меҳнаткашлари хизматида. 60 дан ортиқ кутубхона бор. Уларнинг китоб фонди ярим миллион томдан кўпдир.

Чирчиқ йирик саноат корхоналари билан бирга, ажойиб кишилари билан ҳам машҳурдир. Чирчиқ электрохимия комбинатининг кекса мутахассисларидан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони О. Илёсов, П. Можара, Ғ. Дадабоев, гагановачи Эргаш Пирматов, машинасозлардан А. Бурков, Д. Егимқулов, В. Абдураимов, бинокорлардан донгдор экскаватор машинисти Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Т. Турдиалиев, Ҳ. Чебанов ва бошқалар шулар жумласидандир. Уларнинг шуҳрати бутун республикамизга кенг тарқалган.

Янги беш йилликда шаҳар экономикаси ва маданиятининг юксалиши учун катта истиқболлар очилади. Мавжуд саноат корхоналари реконструкция қилинади, янги ишлаб чиқариш қувватлари қурилади. Уй-жой майдони бунёд этиш мисли кўрилмаган даражада кенгаяди. Янги маданий-маиший муассасалар қад кўтаради. Ҳозир шаҳар меҳнаткашлари беш йиллик план топшириқларини тўлатўкис бажариш учун социалистик мусобақани кундан-кунга авж олдиряптилар. Улар коммунистик меҳнат ва юксак маданият шаҳри номини олишга астойдил бел боғлашди. Химиклар ва энергетиклар, бинокорлар ва машинасозлар Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигини муносиб тортиқлар билан кутиб олиш учун фидокорона меҳнат қилишяпти.

М. МИРХАМИДОВ.

КАФТИМИЗДА ҚАД КЎТАРДИ

Чирчиқ коллективимиз кафтида қад кўтармоқда, десак муболаға қилмаган бўламиз. Трестимиз ташкил этилгандан бери шу шаҳарни кенгайтириш, қиёфасини гўзаллаштириш каби шарафли вазифани бажаряпти. Бизнинг пешона теримиз, қадоқ қўлларимиз билан бунёд этилган уйлар, маданий-маиший муассасалар, саноат объектларининг сонига етиш қийин. Қўли гул бинокорларимиз яратувчиликдан иборат ўз вазифаларини сидқидилдан бажармоқдалар. Белгиланган планларни ортиғи билан адо этмоқдалар.

Утган хўжалик йилида анча самарали ишладик. Қурилиш-монтаж ишлари йиллик топшириғи муддатидан илгари бажарилди. Қўшимча ўнларча минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Беш йилликнинг иккинчи йилида олдимизга қўйилган вазифа янада каттароқ. Шубҳасиз, бу вазифанинг ҳам уддасидан чиқа оламиз. Шу кунларда бинокорларимиз ўртасида Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақа, унинг оммавийлиги, ҳар бир қурувчининг енг шимариб зўр кўтаринки руҳ билан ишлаётганлиги кишини шундай хулосага олиб келади. Уй-жойлар ва ишлаб чиқариш объектлари қурилишини шу йилнинг 30 декабригача бажаришга аҳд қилдик.

Улуғ айёмни муносиб тортиқлар билан кутиб олишни ўзининг муқаддас бурчи деб ҳисоблаётган қурувчилар зафар кетидан зафар қучмоқдалар. «Чирчиқжилстрой», 225 ва 223-УНРлар трест бошқармалари ўртасидаги мусобақада пешқадамлик қилмоқдалар. Улар шу йилнинг дастлабки ойи топшириғини ортиғи билан адо этишди. Мухтор Давлатов, Рустам Халилов, Халил Чебанов ўртоқлар раҳбарлик қилаётган хўжалик ҳисоби асосида ишлаётган бригадалар меҳнати натижасидан ҳамма хурсанд. Чунки бу бригадалар топшириқни доим ортиғи билан адо этмоқдалар, объектларни сифатли қурмоқдалар.

Т. ТУРДАЛИЕВ,
160-қурилиш трестининг экскаватор машинисти, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

ГОЭЛРО ПЛАНИ АСОСИДА

Чор Россиясининг энергетика базаси жуда суст ривожланган эди. Туркистонда эса йўқ даражада эди. Улуғ Октябрь Социалистик революциясидан сўнг В. И. Ленин Россиянинг издан чиққан хўжалигини электрлаштириш асосида тиклаш ва қайта ташкил этиш давлат плани ғоясини олдинга сурди. 1920 йилнинг февралида улуғ доҳий Россияни электрлаштириш давлат планини ишлаб чиқиш юзасидан махсус комиссия ташкил этди.

Бу комиссия мамлакатимизнинг бошқа районлари қатори Бўзсув каналы ва Чирчиқ дарёси сув трактида ирригация-энергетика ишоотларини қуриш схемасини ишлаб чиқди. Шу асосда бу ерда қатор гидроэлектростанциялар қурила бошланди. Эндиликда Чирчиқ-Бўзсув сув трактида 16 та гидроэлектростанция ишлаб турибди. Уларнинг умумий қуввати 320 минг киловатт-соатга яқинни ташкил этади. Бундан ташқари, Тошкент области да 300 минг гектардан ортиқ серҳосил ерларни суғоришга ёрдам бермоқда.

Ҳозир каскад электр станцияларида Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги шарафига социалистик мусобақа кун сайин авж олмоқда. Йил давомида қландагидан ташқари 10 миллион киловатт-соат электр қуввати ҳосил қилиш мажбуриятини олган энергетикаларимиз ҳозирнинг ўзидаёқ унинг ярмини бажариб қўйдилар. Қўшимча 5 миллион киловатт-соат электр қуввати ишлаб чиқилди. Бунда В. Петров, М. Бекенов, Қ. Бочкарев, В. Ганин ва бошқа ўртоқлар раҳбарлигидаги коммунистик меҳнат бригадаларининг катта ҳиссаси бор. Энергетикларимиз бундан буён ҳам иш суръатини янада тезлаштирадилар, унинг сифат кўрсаткичларини яхшилаб борадилар. Совет ҳокимиятининг 50 йиллигини муносиб тортиқлар билан нишонлайдилар.

В. ҚОДИРОВ,
Чирчиқ ГЭСлар каскади директори.

КОРҲОНА ШУҲРАТИ УЧУН

Заводимиз шаҳарнинг кекса корхоналаридан ҳисобланади. Машақатли 1942 йил. Мамлакатимиздаги кўпгина завод ва фабрикалар фронт орқасига кўчирила бошланди. Машҳур «Ростсельмаш» заводи Ўзбекистонга келтирилиб, ундан бир неча корхона вужудга келди. «Чирчиқсельмаш» заводи ҳам шуларнинг биридир. Завод қисқа муддатларда қуриб битказилди. Корхона дастлаб мамлакатимиз мудофаси учун ишлаб чиқарилди.

Бу йил янада юксакроқ марраларни мўлжаллаб турибмиз. Совет ҳокимиятининг 50 йиллик байрамига қанча катта тортиқлар билан келсанг ҳам камлик қилади. Шунинг учун ҳам коллективимиз самарали ишлаяпти. Икки ойлик ялпи саноат маҳсулотн ишлаб чиқариш плани бажарилиш арафасида турибди. Коллективимиз қўлидан чиқаётган агрегатлар халқаро гая борди. Янги цехлар, участкалар барпо этилди. Ишлаб чиқариш маданияти кескин юксалди. Илгариги оғир иш жараёнлари механизациялашди ва енгиллашди. Шунинг учун ютуқларимиз янада кўпайди. Утган хўжалик йилини баракали якунладик. Қўшимча бир неча минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

бозорда ҳам шуҳрат қозонмоқда. Яқинда Болгарияга 11 та культиватор юбордик. Яқин кунларда шундай механизмлар Жазоирга ҳам жўнатилади. Йил охирига яна бирнеча чет эл мамлакатларига машиналар юборамиз.

В. М. ЛИПИЛИН,
завод касаба союз комитетининг раиси.

ВАХТАДА

● Шаҳар корхоналарида Совет ҳокимиятининг 50 йиллиги шарафига социалистик мусобақа тобора авж олаяпти. Ҳамма — кексаю ёш ана шу буюк санани муносиб тортиқлар билан кутиб олиш мақсади билан ишлаяпти. Ушбу суратда трансформатор заводининг пешқадам йиғувчи слесари ўртоқ А. Юсуповни кўриб турибсиз. У социалистик мусобақада актив иштирок этиб, нормани бир ярим баравага етказиб бажармоқда.

Корхонамизда тайёрланаётган маҳсулотлар халқ хўжалигининг жуда кўп соҳаларн учун ишлатилади. Шунинг учун ҳам бу маҳсулотларга бўлган эҳтиёж тобора кўпаймоқда. Шуни ҳисобга олган коллективимиз турли қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга интилмоқда. Бунинг учун ишлаб чиқариш жараёнлари тўхтовсиз механизациялаштириляпти ва автоматлаштириляпти. Мавжуд резервлар ишга солинаётир. Меҳнатни илмий асосда ташкил этиш тобора кенгаймоқда. Ҳар бир участка, бригада, цехда иш маданиятини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Бу меҳнатимизнинг баракали бўлишида ҳал қилувчи роль ўйнаяпти. Маҳсулот ишлаб чиқаришни оширишнинг юзасидан белгиланган планларнинг муваффақиятли бажарилишини таъминлаяпти. Шу туфайли ҳам ўтган йили жуда катта ютуқларни қўлга киритдик. Барча техника-иқтисодий кўрсаткичлар кескин ортди.

Лекин, биз бу ютуқлар билан чекланиб қолмаймиз. Ютуқларимизни янада мустаҳкамлашга ҳаракат қиламиз. Шунинг учун ҳам Совет ҳокимиятининг ярим асрлик юбилейи шарафига юксак мажбуриятлар олиб ишламоқдамиз. Йиллик пландагидан ташқари кўплаб маҳсулот беришга аҳд қилганмиз. Ҳозир ҳаммамизнинг фикри-зикри ана шу мақсадга қаратилган. Январь ойи плани ортиғи билан адо этилди. Қўшимча ўнларча минг сўмлик маҳсулот тайёрладик.

Коллективимиз эришаётган бу ютуқларга комсомол-ёшлар салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Корхонамизда улар сони мингга яқинлашиб қолди. Комсомол-ёшлардан Норбувй Мирзаахмедова, Николай Кравчук, Юрий Карпачев, Саодат Мустафоева, Марс Билолов, Асқар Мақсудов ва бошқалар меҳнатда, юриш-туришда ҳаммага ўрнак бўлмоқдалар. Топшириқларни муттасил ортиғи билан адо этиб, жамоат ишларида актив қатнашмоқдалар.

С. ПЎЛАТОВ,
Ўзбекистон қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металлар комбинатнинг слесари.

● Ўзбекистон қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металлар комбинатида унумли ишлайдиган янги асбоб-ускуналар кўплаб ишга туширилмоқда. Бу маҳсулот тайёрлашни кўпайтириш, унинг сифат кўрсаткичларини яхшилашга ёрдам бераяпти. Суратда: янги ўровчи машиналарни бошқаришни пухта эгаллаган ишчилардан Зоя Фролова ва Рая Сулеевалар иш устида. Улар топшириқни 130 процентдан адо этишяпти.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотолари.

ДОИМ ИЗЛАНИШДА

Вазифамиз шундай. Доим изланишда бўламиз. Трансформаторларнинг янги типларини яратиш, мавжудларини такомиллаштириш устида ишлаймиз. Шу йўлда тиним билмаймиз. Улуғ Октябрнинг 50 йиллик юбилейи барча совет кишилари қаторн филиалимиз ходимларини ҳам янги ютуқларга руҳлантирмоқда.

Ўтган йили ёнилги тўлдиргичи бўлмаган ТНЗ-630—10, ТНЗ-1000—10 маркали трансформаторларнинг тажриба нусхаларини ишлаб чиқдик ва тайёрладик. Бу агрегатлар жаҳоннинг худди шу типдаги энг яхши трансформаторларидан ҳеч қолишмайди. Чирчиқ, Қўрғонтепа, Наманган трансформатор заводлари коллективларига янги хил маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришда ёрдам бердик.

Бу йил 26 темада ижодий изланиш олиб борамиз. ТДН-10000—110 маркали трансформаторларнинг тажриба нусхасини тайёрлаш, уларни синаб кўриш, техника лойиҳаси ва ишчи чертёжларини тахт қилиш планимиздаги энг қизиқарли ишдир. Бундан ташқари бошқа хил сериялардаги трансформаторларнинг тажриба нусхалари ҳам тайёрланади. Биз тропик иқлим шароитига мослашган трансформаторлар тайёрлаш устида ҳам қидирув-лойиҳа ишлари олиб борамиз.

Е. ТИМОШИНА,
Бутуниттифоқ трансформаторсозлик институтининг Чирчиқ филиали бош инженери.

ЯНГИ МАРРАЛАР

Яқинда «Чарвак ГЭСстрой» коллективи қурилиш бошланганлигининг тўрт йиллигини нишонлади. Шу йиллар ичида жуда катта ҳажмдаги қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. Тайёргарлик ишлари ортда қолди. Бутун бир посёлка, қатор гидротехника иншоотлари қурилди. Асов Чирчиқ дарёсининг сўви туннель орқали оқа бошлади.

Бу йилги режаларимиз ҳам жуда катта. Кенг ҳажмда қурилиш-монтаж ишларини амалга оширамиз. Тўғон қад кўтарадиган жой тўла қўлдан чиқарилиши, 40 минг кубометр бетон ётқизилиши, бир қанча каттакичик иншоотлар қурилиши керак. Механизациялашган ишлар бошқармаси коллективи бу йил ўтган йилдагига қараганда икки баравар кўп ишни амалга оширади. Тўғон ҳамда 17 ва 32-карьерлар объектида барча тупроқ-шағал ишлари тугалланилади. Қўйингки, бу нурхонани бунёд этишда иштирок этаётган ҳар бир участка, ҳар бир бошқарма коллективи ҳар қачонгидан ҳам каттароқ вазифани бажариши лозим.

Бу ерда йирик нурхона яратишдек хайрли иш билан шуғулланаётган барча касбдаги бинокорлар Совет ҳокимиятининг 50 йиллигига яхши тортиқлар билан келишга аҳд қилдилар.

П. НИРКОВ,
Чорвоқ ГЭСни қурилиши бошлиғи.



МОСКВА. Москва шаҳар Советининг қарори билан Номаълум солдат қабри устига ўрнатиладиган ёдгорлик лойиҳаси тасдиқланди. Номаълум солдатга бағишланган ҳайкал 1967 йил 9 май Ғалаба кунида очилади. Лойиҳа авторлари — архитекторлар Д. И. Бурдин, В. А. Климов, Ю. Рабаев, ҳайкалтарош Н. В. Томский. Суратда: Ёдгорлик макети (фрагмент).

Н. Грановский фотоси, ТАСС фотохроникаси.

Она-Ватан бўйлаб

«КИТОБ — ОКТЯБРЬ — 50»

МОСКВА, 23 февраль. (ТАСС). РСФСР Министрлар Совети ҳузуридаги матбуот комитети юбилей тадбирлари планини тасдиқлади. Бу тадбирлар «Китоб—Октябрь—50» шнори остида ўтади.

Май ойида очиладиган совет китоби декадаси марказий воқеа бўлади. Ёзда иккинчи Бутуниттифоқ китоб ярмаркасини, октябрда эса Бутуниттифоқ китоб ойлигини ўтказишга қарор қилинди.

ТЕХНОЛОГИЯ МАШИНА — УСКУНАЛАРИ МОНТАЖ ҚИЛИНДИ

ТАСС мухбири Бокудан хабар беради: Доллярда қурилаётган темир-бетон босим қувурлари заводида технология машина-ускуналари монтаж қилина бошлади.

Бу ерда Закавказьеда биринчи бўлиб диаметри 500 миллиметрдан 1200 миллиметрга қадар борадиган темирбетон қувурлар кўплаб ишлаб чиқарила бошлайди. Завод йилига 70 минг кубометр буюм ишлаб чиқаради. Булар Озарбайжон, Грузия, Арманистон ва шимолий Кавказ ирригаторлари билан мелиораторларининг эҳтиёжларини қондиришга кетади.

АМУДАРЁДА БАҲОР

ЧОРЖУЙ, 23 февраль. (ТАСС). Туркманистонда баҳор. Жануб офтоби тобора қизитмоқда. Колхоз ва совхоз далаларида экиш ишлари фронти кенгаймоқда.

Амударё водисининг жанубида дала ишлари қизғин давом этмоқда. Ҳўжамбас, Чаршанга, Карки районларидаги хўжаликларда ўнлаб гектар ер баҳори дон, беда, билан банд қилинди. Амударё белидаги колхозларнинг меҳнаткашлари ҳам суғориладиган ерларда баҳори экинларни экишга киришдилар.

ТАЙГА КОНКУРСИ

Хабаровск ўлкасида тайга конкурси ўтказилди. Ўрмонларда энг яхши изчи мерганлар мусобақалашдилар.

23 февралда якун чиқарилди. Облученск давлат овчилик хўжалигининг тажрибали овчиси М. В. Павликов биринчиликни эгаллади. У, Тайгадан 5 бўри териси келтирди. Изчига 150 сўмлик биринчи мукофот берилди. Бунинг устига у бешта йиртқични қирганлиги учун 250 сўм олди.

Амур бўйидаги бўри овчилари конкурси вақтида 106 йиртқич ўлдирилган, деб хабар беради. ТАСС мухбири.

ЯНГИ ЦЕХ

ФОСФОР тузлари заводида янги йирик цех ишга тушди, деб хабар беради ТАСС мухбири Чимкентдан. Цех рух фосфиди чиқаришга мўлжалланган. Бу модда кемирувчиларнинг офатидир. 23 февралда маҳсулотнинг дастлабки тонналари чиқарилди.

ИККИ ВОҚЕА

БАРНАУЛ, 23 февраль. (ТАСС). Сибирнинг йирик янги қурилиши—Олтой мотор заводида бугунги кунда икки воқеа рўй берди. Олтой ва Волгоград тракторлари учун кучли двигателлар йиғиладиган янги механика корпусида яна бир автоматик линия ишга тушди. Мураккаб автомат станоклар картер шестерняларини тайёрловчи ишчилар ўрнини алмаштирди. Яна тўртта автоматик линия монтаж қилинмоқда. Бу линиялар ишга туширилганидан сўнг кўпгина операцияларда иш унуми 5—6 баравар кўпаяди.

Иккинчи бир воқеа билан ҳаммани қурувчилар хурсанд қилдилар. Улар янги цехлар комплексини қуриб бўлиб, кучли синов станциясини барпо қилишга киришдилар.

ТУРКМАНЛАР ТАРИХИ

Олимларнинг 23 февралда Ашхободда очилган Бутуниттифоқ кенгаши туркманларнинг насл-насаби масалаларига бағишланган. Москва, Ленинград, Тошкент, Қозон ва мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларидан келган тарихчилар, археологлар, этнографлар, антропологлар, лингвистлар республикадаги тарих фанининг энг муҳим масаласи бўлмиш туркман халқининг этногенези (келиб чиқиши)ни муҳокама қиладилар.

ТАСС мухбирининг хабар беришича, кенгашда 30 га яқин илмий доклад ва ахборотлар муҳокама қилинади.

ҚАЙИНЗОРДА САНАТОРИЙ

ЧЕЛЯБИНСК, 23 февраль. (ТАСС). Челябинск электрометаллургия комбинатидан унча узоқ бўлмаган қайинзорда тўрт қаватли бино қад кўтарди. Шаҳарда энг йирик мана шу профилакторийда 100 киши бир йўла дам олади ва даволанади. Медицина бўлимида, электр товуш, ёруғлик, шифобахш сувлар билан даволайдиган ускуналар ўрнатилган.

Соғломлаштириш уйи корхона маблағларига қурилган.

ЭКИНЛАР ҚОР ТАГИДА

Харьков областининг баҳори мўлжалланган барча далаларига қалин қор ёғди, деб хабар беради ТАСС мухбири. Кузги экинлар экилган далалар ҳам қиш намини яхши шимиб олган. Барча майдонларда шахмат тартибида қилиб ғовлар қўйиб чиқилган. Область ерларида ёққан қор ярим метрга етади. Шу туфайли қаҳратон совуқда ҳам кузги экинлар уруғи тушган жойлардаги температура минус 3—5 градус чамаси энг хатарли даражадан анча юқори бўлиб қолмоқда.

„ХАЗОН БЎЛДИ ҚУМРИНИНГ УМРИ“

ГАЗЕТХОНЛАР МУҲОКАМАСИДА

★ ★ ★ ★ ★ ★

БУ ТУБАНЛИК-КУ

Очилмай сўлса ҳар гул ғунчаси
пири жувон йиғлар
Эмас пири жувон балки, ҳамма
аҳли жаҳон йиғлар.

Ҳа, мен йиғлаяпман. Она кўксини қумсаб тамшанаётган норасида Фарҳоджонни кўз ўнгимга келтириб йиғлаяпман. Дунёда энг азиз кишиси — волидаси меҳрибонидан айрилиб қолганига ақли етиб, бедор тўлганаётган Сурайёни эслаб йиғлаяпман. Кумушдек сочларини ёйиб нола чекаётган аламзода она фарёдини эшитиб йиғлаяпман.

Йиғлаяпман, гул ғунчаси энди қулф урганда ҳазон бўлган бир инсон тақдирига куйиб йиғлаяпман.

Тун ярмидан оғиб қолди. Қани энди кўзимга уйқу келса. Қани энди эр зулмидан, қайнона қаҳридан умр баҳори ҳазон бўлган Қумрихоннинг аламли кечмишларини бир зум унута олсам.

Куни кеча «Тошкент ҳақиқати» газетасида босилган «Ҳазон бўлди Қумрининг умри» сарлавҳали мақолада баён қилинган мудҳиш воқеа мени жуда изтиробга солди. Инсон ақли бовар қилмайдиган иш бу! Қумрихоннинг эри Зокир, қайнонаси Манзура бону. Бечора жувонни пичоқсиз сўйишибди.

Мақолани ўқиётганимда ёнимда бўлган ҳамсуҳбатларимдан бири:

Қумрихон нега касратини ҳечкимга айтмапти, аёллар оҳини эшитмайдиган Гулбаҳор, Жамилалар замони эмас-ку ҳозир, мучча энди ўзини шунчалар оёқ ости қилмаса, деб қолди. Ахир қайси бир она боласини тирик етим қилгиси келади. Қолаверса улар бир-бирларини севиб турмуш қуришган-ку!

Мен бошқа нарса ҳақида гапирмоқчиман. Ҳар бир маҳаллада комитет, унинг оқсоқоллари бор. Улар маҳалла аҳли турмушидан ҳамма вақт воқиф бўлишлари керак. Ишончим комидки. Уста Жамшид кўчасининг ҳам ўз тасарруфига олган маҳалла ва унинг оқсоқоллари бор. Улар Зокир уйланаётганда ҳар икки томоннинг ҳам азиз меҳмони бўлишган, дастурхон устида бу янги оилага қўша-қўша фарзанд, бахт-саодат тилашган.

Хўш, қани ўша бахт? У Зокир оёғи остида топталди, тупроққа қорилди. Зокирнинг ҳаммаҳаллалари, маҳалла оқсоқоллари бу фожиага қандай қарашаётганикин? Ҳеч қаерда ишламай, жамиятга фойда келтирмай, шахсий манфаатининг қули бўлиб, айши-ишратга мукасидан кетган Зокирни тартибга солиб қўйиш бирор марта бўлсин уларнинг эсига келмадимикин? Бу саволга Қумрихонни куйдириб кулини кўкка совурган Зокирнинг ғурбатхонаси билан девордармиён қўни-қўшнилар нима дейишдикин? Ҳиёл бўлсада айбдор эканликларини ҳис қилишармикин? Ахир бу мудҳиш фожиаининг рўй бермаслиги, кўпчилик бўлиб унинг олдини олиб қолиш мумкин эди-ку!

Хўрлик, руҳий азоб киши умрининг эгови. Қумрихон шу эговнинг қурбони бўлди. Ики бола етим қолди. Зокир, фарзандларинг катта бўлиб, оқ-қорани танийдиган бўлганларида уларга нима дейсан?

Ўғилой ЮСУФЖОНОВА.

Калинин районидаги Калинин номли колхоз.

БАҒРИТОШЛАР

Икки ёш гўдакни она кўксидан жудо қилиб, ёшгина Қумрининг умрини ҳазон этган қайнона Манзура ва унинг ўғли Зокирнинг ўтказган тошбағир эканликларини жуда тўғри фош этиб, уларнинг кирдикорларини очиб берган мақолани оиламиз билан ўқиб чиқдик. Мақолада фақат Манзура ва Зокирнигина эмас, шулар орқали кам бўлса ҳам ҳали ҳаётимизда учраб турадиган, динни қуроллиқилиб олиб қабиҳ ишларни қилишдан ҳам тап тортмайдиган ниши-ларнинг нўзларини очиб қўйишга эришилган.

Зокир, қайнона Манзура! Сизлар ўз ифлос қилмишларингиз билан бир пок қалбли аёлнинг умр гулшанини хазон қилдингиз, совет кишиларига мутлақо ёт бўлган хулқи-атворингиз билан икки ёш гўдакнинг фарёдига, кўз ёшларига сабабчи бўлдингиз.

Мен ҳам ўтган йилнинг сентябрь ойида собиқ синфдошим, кейинчалик умр йўлдошим бўлган энг азиз кишим — Мухтарамимдан жудо бўлдим. Лекин мен Зокирга ўхшаб ўз севгимга мунофиқлик қилганим йўқ, бироқ марта бўлса ҳам Мухтарамимнинг дил кўзгусига тош отганим йўқ, Ҳамиша у билан ҳамнафас бўлдим. Тинч-тотув, ширин ҳаёт кечирардик. Минг афсуски, у оғир дардга чалинди. Олти ойгача қошидан силжимадим, дардига, қайгуска шерик бўлдим, унинг юрагида ҳаётга ишонч туғдиришга интилдим. Ширин орзу-умидлар билан кўнглини кўтаришга интилдим. Йўқ, бемаҳал ўлим мунис ёримдан мени жудо қилди.

Умр йўлдошим менга биттагина Дилрабо исмли уч ёшлик қизча ёдгор қилиб қолдирган. У онасидай софдил, меҳрибон, чинакам дилрабо бўлиб бағримда ўсади.

Зокир, бу билан сенга ўзимни мақтаб кўрсатмоқчи эмасман, балки сен ва сенга ўхшаган инсонлик қиёфасини йўқотган саноқли кишилар ўз атрофларидаги соф виждонли кишилардан ўрнан олиб, умр йўлдошларига, фарзандларига ҳурмат билан қарасинлар, ҳаётдан таълим олсинлар, демоқчиман.

Зокир! Сен ва онанг ўз қилмишларингиз учун халқ олдида гуноҳкор бўлиб турибсизлар. Энди сизларга олижаноб одамлар олдида тиз чўкишга тўғри келади!

А. АБДУҚОДИРОВ,

Ўрта Чирчиқ районидаги Қуйбишев номли колхозининг агрономи.

СУРАЙЁ, ФАРҲОД ҚАЛБИМИЗ ТЎРИДА

«Ҳазон бўлди Қумрининг умри». Газета саҳифасидаги ана шу сарлавҳа эътиборимни беихтиёр ўзига тортди. Мақолани ўқир эканман, ғурбатхонада ёш умри ҳазон бўлган софдил, мунис, меҳнаткаш, қайноқ ҳаётни севган аёл кўз ўнгимда гавдаланиб қолди. Диний хурофот ботқоғига ботиб қолган, юраги тош қайнона Манзура ва унинг бевафо ўғли Зокирга нисбатан қаҳру ғазаб ҳислари қайнаб тошди.

Наҳотки Зокир севиб олган ёрига шу қадар раҳмсиз, шафқатсиз бўлса! Йўқ, Зокирни йўлдан оздирган, умр гулшанига биринчи бор рахна солган қайнона Манзура бўлган. У тирноқ орасидан кир излаб, келинини ўғлининг кўзига гуноҳкор қилиб кўрсатиш, уни ўз йўригига солиб олиш учун интилиб, Қумри ва унинг жигаргўшалари Сурайё, Фарҳодларнинг нола чекишларига зомин бўлган.

Хўш, муштифар онадан жудо бўлиб, норасидаларнинг ҳоли не кечаётган экан! Инсон қадрини оёқ ости қилган Зокир, унинг онаси Манзура Сурайё ва Фарҳодларни бағрига боса оларми-кинлар?

Фарзанд—умримизнинг гули, жону дилимиз. Агар Зокир билан Манзура Қумрининг ёдгорлари — Сурайё ва Фарҳодларни ардоқлай олмасалар сатқаи сар! Гўдаклар ҳаммамизнинг қалбимиз тўрида туради. Уларнинг бахтли бўлиши учун ҳаммамиз меҳри-муҳаббатимизни уларга бахш этамиз!

У. САЛОҲИДДИНОВ,

педагог.

Дунё хабарлари

МАМЛАКАТЛАР
ОДАМЛАР
ВОҚЕАЛАР

АҚШнинг ВЬЕТНАМДАГИ ЖИРКАНЧ УРУШИГА ҚАРШИ

НЬЮ-ЙОРК. Америка армиясининг ветеранлари ва резервистларидан юзлаб кишилар Жорж Вашингтоннинг «ҳеч бир миллатнинг бошқа халқлар ишига аралашишга ҳақи йўқ» деган сўзлари ёзилган плакатларни кўтариб Нью-Йорк кўчаларига чиқдилар. Қўшма Штатларнинг Вьетнамдаги агрессиясини дарҳол тўхтатишни талаб қилаётган кишиларнинг ҳаммаси улар билан бирга бўлди. Намойиш қатнашчиси, Америка армиясининг собиқ капитани Рон Уолин бундай деди: Америка ҳукумати Вьетнам халқининг мустақиллигига ва ўз тақдирини ўзи белгилашига қарши уруш қилмоқда. Вьетнамда қилинаётган жиноятни Америка халқи тўхтатиши лозим.

ВАШИНГТОН. АҚШ даги Мичиган штатининг губернатори Ж. Ромнинг АҚШ ҳукуматини айблаб, у «сиёсий манфаат» кетидан қувиб, ҳозирги вақтда «Вьетнамдаги қийин аҳволга» мамлакатни тортди, деди. Америка обзорчилари бу гапга алоҳида аҳамият бермоқдалар, чунки Мичиган штатининг губернатори 1968 йилда ўтказиладиган сайловларда республикачилар партиясидан АҚШ президенти лавозимига кўрсатилишини талаб қилаётган асосий номзодларнинг бири бўлиб ҳисобланади. (ТАСС).

ХИТОЙДАГИ ВОҚЕАЛАР

Хитой Халқ Республикаси давлат кенгашининг бош министри Чжоу Энь-Лай 17 февралда Пекин цзаофанлари олдида сўзга чиқиб, уларни министрликлар ва бошқа марказий идораларнинг раҳбарларини ағдариш учун кураш олиб бормасликка чақирди. Чжоу Энь-Лай хунвэйбинлар ва цзаофанлардан фойдаланиб, молия министрлигида «ҳокимиятни босиб олишга» интилган шу министрликнинг собиқ раҳбар ходимларидан бирини қамоққа олишга буйруқ бердим, деди. Хунвэйбинлар ва цзаофанлар марказий идораларда ҳокимиятни қўлга олиб, бу билан «марказга ва маданий революцияга» зарар етказаяптилар, деди у.

Айни вақтда Чжоу Энь-Лай хунвэйбинлар ва цзаофанларни бутун мамлакатда ҳокимиятни босиб олиш учун курашни давом эттиришга чақирди. У Пекин хунвэйбинлари ва цзаофанларининг «бирлашган съездида» 22 февралда бу баёнот билан чиқди. Чжоу Энь-Лай икки ташкилотни бирлаштиришга жадал қилиб, «биз бундай иттифоқни аллақачондан бери кутяпмиз» деган, деб хабар беради Японияда чиқадиган «Асахи» газетасининг мухбири.

«Маданий революция» ишлари группасининг раҳбари Чэнь Бо-да шу съездда сўзга чиқиб, хунвэйбинлар ва цзаофанларнинг хатти-ҳаракатларини мақтаган бўлсада айни вақтда уларнинг баъзи бир «ҳаддан ошиқларини» қоралаган. Чэнь Бо-да бундай деган: «Курашда бир қанча камчиликлар юз берди. Бошга қалпоқ кийгизиш, кимнингдир ит калласини мажақлаб ташлаш, алла кимни ўлгудек қилиб уриш тўғрисидаги таҳдидлар шулар жумласидандир».

Хэнань, Хубэй, Сичуань вилоятларида, Синьцзянда, Тибетда ва Хитойнинг бошқа районларида рўй бераётган воқеалар армиянинг «ягона иродага» эга бўлмай, «бир хил ҳаракат» қилмаётганлигини билдиради.

Масалан, хунвэйбинларнинг Пекинда тарқатган варақаларида Хэнань вилоятида армия қисмлари билан жамоат хавфсизлиги органлари «ҳукмрон маҳаллий гуруҳ» билан биргаликда ҳаракат қилаётганликлари қайд этилади. Хунвэйбинлар «ҳукмрон маҳаллий гуруҳ» деб вилоят партия ва давлат органларини тушунадилар. Варақаларда айтилишича, улар Пекиннинг кўрсатмаларига қарамай, «маданий революция» тарафдорларини «ўзбошимчалик билан қамоққа олмоқдалар». Хэнань вилоятининг бош шаҳри Чжэнчжоуда 18 февралдан бошлаб Мао-Цзэдунинг мингга яқин тарафдори қамоққа олинган. Шу вилоятнинг иккинчи бир шаҳри Кайфинда рўй берган қуролли тўқнашувларда ҳарбий хизматчилар ҳам қатнашган, ўлдирилган ва ярадор бўлганлар бор.

* * *

Жаҳон матбуоти Хитойдаги воқеаларни эътибор билан кузатиб турибди. Париж газеталари хунвэйбинларнинг хатти ҳаракатлари Хитойнинг кўпгина вилоятларида қаршиликка учраётганлигини кўрсатмоқдалар. «Фигаро» газетаси мамлакатдаги вазиятга баҳо берар экан, Мао Цзэ-дун тарафдорлари «жуда катта вайронгарчиликларини бошлаб бериб муваффақиятга эришмадилар, эндиликда улар муросага келишиш имкониятини қидирмоқлари керак бўлади», деган хулоса чиқарди.

ЧЕХОСЛОВАКИЯ машинасозлари маҳсулоти чет элларда машҳур. Электр локомотивлари, трамвайлар, автомобиллар, ҳар хил двигателлар, кўтарма кранлар, электр асбоблари ва бошқалар ҳамма қитъаларидаги ўнлаб мамлакатларга экспорт қилинади. Суратда: Градец-Краловдаги «ЧКД» заводи цехида. Бу ерда 3000 от кучига эга бўлган дизель-моторлар тайёрлаб бериш юзасидан, Совет Иттифоқи берган заказлар муваффақиятли бажарилмоқда.

ЧТК—ТАСС фотоси.

ИНДОНЕЗИЯДАГИ АҲВОЛ

ЛОНДОН. (ТАСС). Рейтер агентлигининг мухбири Жакартадан хабар беради: Индонезия парламенти 1968 йилда бўладиган умумий сайловга қадар генерал Сухартонни Индонезия президенти вазифасини бажарувчи қилиб тасдиқлашни якдиллик билан ёқлаб чиқди.

Мухбирнинг парламент доираларига асосланиб, хабар беришича, ҳатто Сукарно таъсиридаги Индонезия миллий партияси ҳам шу таклифни қувватлаб чиққан. Бу таклиф мувақкат халқ маслаҳат конгресси муҳокамасига топширилади. Конгресснинг март ойи бошларида бўладиган сессияси Сукарно тўғрисида узил-кесил қарор қабул қилиши лозим.

ЧЕГАРАДАГИ МОЖАРО

БАЙРУТ. (ТАСС). Иордания — Исроил чегарасида яна можаро бўлди. Уммон радиосининг хабарига кўра, Исроил ҳарбий соқчиси Тулкарм вилоятидаги Шувайки районидаги Иордания чегарасининг ичкарисига 40 метр кириб келиб, Иорданиянинг олдинги постига пулеметдан ўт очди.

АССОМ ШТАТИДАГИ ВОҚЕАЛАР

ДЕҲЛИ, (ТАСС). «Стейцмен» газетасининг хабар беришича, Ассом штатидаги Шиллонгда, деб хабар беради «Индиан Экспресс» газетаси тўқнашувлар натижасида бир киши ўлган ва ўнларча киши яраланган.

Танг аҳвол рўй берганлиги сабабли Шиллонгга полициянинг катта мадад кучлари келтирилмоқда. Қўшинлар шай ҳолга келтириб қўйилди.

БРАЗИЛИЯ. Кучли сел натижасида бир неча штатларда сув тошқини бўлди. Кишилар қурбон бўлди, тоғларда ўнгирилишлар рўй берди, электр узатиш линиялари, сув таъминоти ва алоқа воситалари вайронликка учради. Кўпгина муассасалар бекилиб қолди, темир йўл, автобус ва ҳаво алоқаси тўхтади. Суратда: Рио-де-Жанейро тошқинидан сўнг.

ЮПТИ—ТАСС фотоси.

ОЛТИ ЮБИЛЯР

Бу юбилярларнинг ҳаммаси ҳам мактаб жонкуярлари. Уларнинг бири моҳир педагог, бири тажрибали кутубхоначи, яна бири эса, мактаб тозалигининг посбони. Уз касбининг моҳир усталари бўлган юбилярлар катта ҳаёт мактабини ўтган, кўп йиллик меҳнат фаолиятига эга бўлган кишилардир.

Кекса педагог **АКБАР АЪЗАМОВНИ** халқ маорифи ходимлари яхши билишади. У қариб ярим асрдан бери ёш авлодга таълим-тарбия бериб келмоқда. Тошкентда янги мактаблар очишда, саводсизликни тугатишда катта қалб эгаси бўлган Акбар аканинг хизматлари катта бўлди. Унинг қўлида таҳсин кўрган талабаларнинг аксарияти ҳозир она-Ватанимизнинг турли бурчакларида фаол меҳнат қилмоқдалар. Ўзбекистон ССР Давлат план комиссиясининг раиси С. Зиёдуллаев, республика Молия министри В. Муродхўжаев, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг бош илмий секретари М. Хомудхонов, республикада хизмат кўрсатган артист Н. Дўстхўжаев ва бошқалар Акбар акани севимли устоз сифатида жуда ҳурмат қиладилар.

Партия ва ҳукуматимиз ўртоқ А. Аъзамовнинг кўп йиллик самарали меҳнатини муносиб тақдирлади. У «Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи» деган шарафли ном эгасидир. Тошкентдаги 40-мактабнинг кекса ўқитувчиси Акбар аканинг туғилганига 65 йил, педагогик фаолиятига 48 йил тўлди.

Мактабнинг биология фани ўқитувчиси **ҲАБИБУЛЛА ЯГУДИН** ҳам шарафли меҳнатдан бахт топди. У ҳам 65 ёшга кирди. Педагогик фаолияти бошланганига 48 йил бўлди.

Моҳир педагог биология фани бўйича машғулот олиб боришда бой тажриба тўплади. Бу тажрибалар ёш ўқитувчилар учун чинакам мактаб бўлиб қолди. Ҳозир унинг кўксида Меҳнат Қизил Байроқ ордени порлаб турибди.

Гражданлар урушининг қатнашчиси бўлган **АБДУМАЛИК ҲАБИЛОВ** ҳам шу мактабнинг жонкуяр педагогларидан. Унинг сермазмун ҳаёти ва фаолияти ёш авлодга ҳамиша намуна. Мана 30 йилдирки, у ёш авлодга билим бериб келаяпти.

Бошланғич синф ўқитувчиси **ШАХЗОДА ТЎХТАХЎЖАЕВА** 1929 йилда ўқитувчилик касбини танлаган эди. У ҳар йили ўзи ўқитаётган синфи бўйича тўлиқ ўзлаштиришга эришмоқда. 55 баҳорни кўрган меҳрибон ўқитувчи ёш педагогларнинг жонкуяр устози ҳамдир. Уларга бошланғич синфларда машғулотлар олиб боришнинг «сир»ларини ўргатади.

Зиё тарқатувчи **ҲАЙРИ СЕРЕБРЯКОВ**Анинг номини ўқувчилар ҳурмат билан тилга олишади. 36 йилдан бери кутубхоначилик қилиб, ўз касбининг моҳир устаси бўлиб қолган Хайри опа тиниб-тинчиш нима эканлигини билмайди. Уни кўпинча ёш китобхонлар орасида учратасиз. Шу мактабга ўтиб ишлай бошлагандан бери анчагина ибратли тадбирларни амалга оширди.

Мактабни ёғ тушса ялагудек қилиб озода тутишда тозалик посбони **ГУЛАНДОН БЎЛАНБОЕВАНИНГ** хиссаси катта. Меҳнатсевар бу аёл мактабга гард юқтирмасликка ҳаракат қилади. Унинг меҳнати доим қадрланади. Мактаб коллективининг ҳурматли кишиси бўлган Гуландон опанинг ҳам бугунги қувончи чексиз.

Ҳа, бугун мактабда шоду-хуррамлик. Юбилярларнинг таниш-билишлари, ҳамкасблари, шогирдлари ҳурматли касб эгаларини бу юбилей билан муборакбод этмоқдалар.

Сизларга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаймиз.

ФАН ОЛАМИДА

ГЕОГРАФИЯ — ТИЛШУНОСЛИК КАЛИТИ

Тоғлиқ Тожикистоннинг маҳаллий географик номлари (топонимлари) Ҳинд—Европа группасидаги энг қадимий ва қизиқарли тиллардан бири—ўлик сўғдий тилининг грамматикаси, морфологияси ва луғат составидаги кўпгина муаммоларни ҳал қилишда ёрдам беради. Сўғдий тили бир ярим минг йилдан илгари йўқолиб кетган.

Республика Фанлар академияси топонимлар коллекциясини эълон қилди. Бу коллекцияни тилшунос А. Храмов ғарбий Помир—Олой баланд тоғ далалари ва қишлоқларида бир неча йил кезиб, йиғган.

Коллекциянинг асосий қисмини (унда бир неча минг топоним бор) олим бориш қийин бўлган ажралган водий Ягноб микрогеографиясини ўрганиш борасида тузган.

БИОЛОГ ЎЗ ФИКРЛАРИ БИЛАН ЎРТОҚЛАШАДИ...

Профессор А. Студитский ҳужайра нур билан жароҳатланганидан кейин ўзини батамом тиклай олади, деб ҳисоблайди.

А. Студитский ТАСС мухбири билан суҳбатда нурга қарши ва ракка қарши муҳофаза масалаларини ишлаб чиқишда икки йўналиш вужудга келганлигини қайд қилди. Бир йўналиш тарафдорлари организм ирсияти ва тараққиёти дезоксирибонуклеин кислота (ДНК) деб аталмиш кислота фаолиятининг натижасидир, деб ҳисоблайдилар. Иккинчи бир назарияга кўра эса, барча ирсият ҳодисалари ва тирик мавжудотлар тараққиётининг сабабчиси оқсилнинг ташқи таъсиротларга кўрсатадиган реакцияларидадир, деб ҳисоблайдилар.

Студитскийнинг ўзи иккинчи нуқтаи назарига мойил, у ўзи ўтказаётган тажриба тадқиқотларида ана шу назарияга суянади.

ДОСТОНЛАР ВА АРХЕОЛОГИЯ

Кўпгина қадимги рус достонларида бот-бот эслатиб турилувчи баҳодирларнинг бекатлари ҳозирги вақтда фольклорчиларнигина эмас, шу билан бирга археологларнинг ҳам эътиборини жалб этмоқда. Академик Б. А. Рибаковнинг айтишича кўра, X аср русида Киевдан 40—80 километр жануброқда чоғроқ қалъалар системаси бўлиб, улар даштдаги кўчманчи қабилалар, биринчи навбатда печенегларнинг босқиларидан мудофаа хизматини ўтаган. Халқ достонларида айтилишича, рус баҳодирлари, шу жумладан машҳур Илья Муромец айни шу ерда душманларга қарши жангга киришган.

Б. А. Рибаков достон ва йилномалардан олинган маълумотларга суяниб, мудофаа поясі районида 6 йил мобайнида археологик қазишмалари қилди. Фольклорда етарлича аниқ кўрсатмалар бор бўлиб чиқди. Бир неча шундай қалъалар қазилиб, Рибаков шу қалъаларнинг плани ва ташқи қиёфасини реконструкция қилди.

ХАТЛАРДАН САТРЛАР

Бўкадаги Тельман номли колхоз аъзолари баҳорга пухта тараддуд кўришяпти. Хўжалик сабзавоткорлари бу йил ҳам бир неча ўн гектар ерга карам ва помидор экиб мўл ҳосил етиштириш ниятидалар. Шу кунларда парник хўжалигида иш қизғин. 350 квадрат метр жойда етиштирилаётган карам ва помидор кўчатлари бир текис ривож оляпти. Яқинда улар далага чиқариб ўтказилади.

О. Абдураҳмонов.

«Ленинград» колхозида 500 кишилик клуб қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу ерда кинофильмлар намойиш қилина бошланди.

Т. Имомов,
Янгийўл райони.

Тошкент қишлоқ хўжалик институти бадиий ҳаваскорлари Октябрнинг 50 йиллик байрамига атаб, янги концерт программасини тайёрламоқда. Ҳаваскорлардан Т. Раҳматов, Е. Норов, Ш. Мирзаев, Т. Отаниёзов ва бошқалар янги-янги қўшиқлар ўрганишяпти.

Бекоободдаги Ленин номли колхоз правлениеси кичкинтойларга ажойиб совға ҳадя этди. Колхознинг Энгельс номли участкасида болалар боқчаси қуриб битказилди.

А. Ҳамдамов.

1-«Оққўрғон» совхози 4-бўлимида янги алоқа бўлими очилди. Бу қишлоқ аҳолисига анча қулайлик туғдирди.

А. Абдуранмов.

«Янгийўл-Спутник» маршрути бўйича қатнай бошлаган автобус хизматидан Ленинизм ва Жданов номли колхоз аъзолари беҳад мамнун бўлмоқдалар.

К. Сапаралиев.

ЯНГИ ШИФОХОНА

«Октябрь» массивининг шу кунги жамоли янги ва кўркам шаҳарни эслатади. Кенг ва равон кўчаларнинг икки четида саф тортган ҳашаматли биноларни кўриб кўзингиз қувонади.

Бу ерда муассасалар, биноларнинг, болалар боғчаси, озиқ-овқат ва саноат моллари магазинлари қуриб, бирин-кетин фойдаланишга топширилмоқда.

Яқинда ташкил этилган янги шифохона ҳам массив аҳолиси хизматида. Бу, бирлашган 6-шаҳар поликлиникасининг филиалидир. Шифохона озода, пол, деразалари ярқирайди. Ҳар турли касалликларнинг олдини олиш ва даволаш тўғрисида врач маслаҳатлари кўзга кўринарли жойларга осиб қўйилган.

Терапия бўлимига кирдик. Бу ерда беморнинг диагносини аниқлаш ва бошқа медицина асбоб-ускуналари янги келтирилган.

— Тўғри, дастлаб ишни ташкил этишда шошилиб қолдик, — дейди поликлиника бош врачининг ўринбосари Тоҳир Олимжонов. — Янги массив эмасми, ҳали айрим кўчаларга ном қўйилмаган, уйларнинг номери йўқ эди. Беморларнинг уйига бориш учун кўп вақт сарфлар эдик. Бунинг устига иш шароитимиз анча қийин бўлди. Чодирда ишлашга тўғри келди. Бу ўз ўрнида беморларни қабул қилишда маълум даражада ноқулайлик туғдирар эди. Икки ойдирки, янги шифохона бунёд этилди. Эндиликда аҳолига медицина хизмати кўрсатиш ишлари яхши изга тушиб кетди.

Массив аҳолиси ҳозир шифокорлар хизматидан мамнун. Врачлар беморларни поликлиника бўлимларида қабул қилиш билан чегараланиб қолмай, уйма-уй юриб, кишилар соғлиғидан хабардор бўлиб турибдилар.

Массивнинг 39-участкасида истиқомат қилаётган бемор Зулфия Раҳимова билан суҳбатлашиб қолдик. Зулфия опа ўзида йўқ хурсанд.

— Паралич касалига дучор бўлган эдим, — деди у. — Чап қўлим ва оёғим тортишиб, азоб берарди. Барака топгур, шифокорлар дардимга малҳам топишди. Ҳозир соғайиб қолдим. Жонкуяр шифокорлардан умрбод миннатдорман.

Беморлардан 123-участкада яшовчи 65 ёшлик Раҳбар Нурмуҳамедова, 89-участкада яшовчи Рихси Шомирзаева, 12-участкада яшовчи 55 ёшлик Назира Қосимовалар ҳам врачлар номини фахр билан тилга олишади.

Поликлиникада бой тажрибали, ўз касбининг моҳир усталари анчагина. Чунончи, ҳамшира Маҳфуза Аҳмаджонова 26 йиллик меҳнат фаолиятига эга. У яқинда Ҳурмат белгиси ордени билан тақдирланди. Шифокорлардан Ҳайдар Исаев, Надя Проказова, Комила Ғофуровалар ҳам жонкуярлиги билан кўпчилик ҳурматини қозонишган.

И. ЮСУПОВ.



Суратларда: (ўнгда) врач Тоҳир Олимжонов, (чапда) бош ҳамшира Маҳфуза Аҳмаджонова ишга ўртоқлар.

Н. Муҳаммаджонов фотоларни.

ЎН ТЎҚҚИЗИНЧИ УЙ

ҲУРМАТЛИ газетхон, сиз ўқиётган бўлган қўлингиздаги пьесанинг муаллифи Аҳида Еқубова ёзувчи ҳам, шоира ёки драматург ҳам эмас. Аҳида олий маълумот эгаси. Ёш болалари бўлганлиги сабабли ҳозирча уй-рўзғор ишлари билан шуғулланаётган аёл. У адабиётни, санъатни жони дилидан севади. Бўш вақтларида роман, ғазал, шеърлар ўқийди. Атоқли драматургларимизнинг саҳна асарларини жуда-жуда севади. Унинг юрагида қўпдан бери ана шундай саҳна асари ёзиш орзуси куртак ёзган. Бир пардали «Ўн тўққизинчи уй» пьесаси Аҳиданинг илк қалдирғоч машқларидан. Бугун биз шу пьесани сиз ҳурматли газетхонлар эътиборига ҳавола қилар эканмиз, адабиёт шинавандаси Аҳидахоннинг бундан буёнги ижодий ишларида муваффақиятлар тилаймиз.

—————★ ★—————

ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР:

ХУРРАМЖОН — магазин мудири, ёши 40 ларда.

ЗАМИРАХОН — сатанг аёл, ёши 36 ларда.

ЮЛДУЗХОН — Хуррамжоннинг хотини, ёши 38 ларда.

ШОФЕР — такси ҳайдовчи, ёши 30 ларда.

Вақт ярим кеча: катта кўчанинг рўпарасида кичкина эшик кўзга ташланиб туради. Кўчадан машина тўхтаган овози эшитилади. Зум ўтмай, Хуррамжонни қўлтиқлаб шофер киради. Хуррамжон мастликдан оёққа туролмас эди.

Шофер эшик номерини кузатиб.

ШОФЕР — Мана, 19-уй. Эшигингизни ранги кўкми?

ХУРРАМЖОН — Ў... к... 19, кўк.

ШОФЕР — Такси ҳақини беринг?

ХУРРАМЖОН — ман... уй... мм **(эшикка суялиб ўлтириб олади-да, хуррак тортиб ухлаб бошлайди).**

ШОФЕР — (хуноб) Ҳў, ўзингизни тутинг! Такси ҳақини бермайсизми? **(Хуррамжон ҳеч нарсани сезмай, пишиллаб ухлар эди).** Қизиқ бўлди-ку, маст одамни машинага олиб нима қилар эдим **(эшикни тақилатади).**

ЗАМИРАХОН — **(эшик ортидан)** Ким?

ШОФЕР — Мен, очинг!

ЗАМИРАХОН — **(Эшикни очади, Хуррамжонни таниди)** Вой, Хуррамжон акамми?!

ШОФЕР — Билмайман, Хуррамжонми, Хурмачажонми, тоза мени хуноб қилдилар. Уй № 19, эшигим кўк, кўчамнинг номи, Каттабоғ ўрик, Фурқат дейдилару эшикларини топиб беролмайдилар. Кирмаган кўчам қолмади. Зўрга топдим-да. Такси ҳақини тўланг десам, нуқул хуррак тортадилар.

ЗАМИРАХОН — Қанча тўлашлари керак?

ШОФЕР — Мен қарай неча пул ёзди экан! **(кўча томонга чиқади).**

ЗАМИРАХОН — **(Хуррамжонга тикилиб)** Тушумми, ўнг-гимми? Ўз оёғи билан келганини қаранг...

ШОФЕР — **(киради)** беш сўм йигирма тийин экан.

ЗАМИРАХОН — Ҳозир пулингизни олиб чиқиб бераман.

ШОФЕР — Акамларни обкириши берайми?

ЗАМИРАХОН — **(уйга бурила туриб)** Бир паст дам олатурсинлар, ўзим олиб кираман.

ШОФЕР — **(ўзича)** Хотини хушфеъл экан. Бир хил хотин бўлса борми,... **(Замирахон чиқади).**

ЗАМИРАХОН — Мана пулингиз!

ШОФЕР — **(ёнини ковлаб)** Майда йўқроқ эди-ю.

ЗАМИРАХОН — Ҳа, қўяверинг. Анча овора бўлибсиз.

ШОФЕР — Раҳмат. **(шофер чиқиб кетади).**

ЗАМИРАХОН — Хуррамжон ака, туринг, уйга кирамиз! **(Хуррамжонни турғазмоқчи бўлади, у эса ҳеч нарсани сезмайди).** Эй ичкилик. Бир вақтлар мени севгимни рад қилган, кўчада кўрганда саломлашишни ҳам истамайдиган йигитни остонамга бош эгдириб келдинг-а! **(Хуррамжонни тебратиб)** Туринг, бу нима ётиш уйга кирамиз, Хуррамжон ака!

ХУРРАМЖОН — Мен... мен... жон... кечир...

ЗАМИРАХОН — Ҳа, майли, ҳеҳқиси йўқ, туринг, уйга кирамиз! **(Замирахон Хуррамжонни судраб ичкарига олади ва эшикни бекитади, тонг отгач, Хуррамжонни эси жойига келиб, ўзини кроватда кўради. У ётган ерида хотинини чақиради).**

ХУРРАМЖОН — Юлдузхон! Юлдузхон! **(ўзича)** Роса мендан хафа бўлибди-да. Хафа бўлса арзийди. Болалар қаёққа кетишдийкин. Адҳамжон, хей Адҳамжон! Ҳаётхон!.. Ўғилчаларни ҳам хафа қилганга ўхшайман. Хоним, ҳў Юлдузхон! Болаларни онаси!

ЗАМИРАХОН — **(ичкаридан)** Лаббай.

ХУРРАМЖОН — Ҳа, жонгинам баққа бир қарасинлар! Мен ичиб юргучимидим. Бир бўпти-бўпти-да.

ЗАМИРАХОН — **(кулимсираб чиқади).**

ЗАМИРАХОН — Ҳа ялия-ялия-ялота
Ялло демасман,
Ялинганинг билан
Ёнингга бормасман.
Хо ёнингга бормасман,
Ҳа... Ҳа... Ҳа... Ҳа... Хуррамжон ака, қалайсиз, қўлга тушдингизми?

ХУРРАМЖОН — Ие, мен кимни уйдаман?!

ЗАМИРАХОН — Ўз уйингиздасиз, яъни мени уйимда!

ХУРРАМЖОН — Мени ким олиб келди?

ЗАМИРАХОН — Ким олиб келади, менга бўлган муҳаббатингиз олиб келди.

ХУРРАМЖОН — Қўйсангизчи, ўша эски ашулангизни, мен тўртта боланинг отасиман.

ЗАМИРАХОН — Отаси бўлсангиз, бўларсиз.

ХУРРАМЖОН — Қўйинг, Замирахон, айб бўлади, кийимларим қаерда? Олиб беринг кетаман!

ЗАМИРАХОН — Хо... кетиб бўпсиз. Сизнинг жиловингиз менинг қўлимда.

ХУРРАМЖОН — Ҳе тавба, мен нима қилиб сизнинг уйингизга келиб қолдим.

ЗАМИРАХОН — Ким билади дейсиз? Эшикдан йиғлаб, эмаклаб кириб келдингиз. «Жоним, севгилим, мени кечиринг» деб оёғимга йиқилиб, ёлбордингиз. Ҳайдасам ҳам кетмадингиз.

ХУРРАМЖОН — Туҳмат, туҳмат қилманг!

ЗАМИРАХОН — Менга зарил кептими, сизга туҳмат қилиб. Гапларингизни магнитофон лентасига ёзиб олганман, ишонмасангиз қўйиб беришим мумкин.

ХУРРАМЖОН — Ишонмайман, қани қўйибоқинг-чи?! **(Замирахон магнитофонни бурайди).**

— Яхшиликча кетинг деяпман Хуррамжон ака, бу нима қилганингиз уйимга бостириб кириб.

— Кетмай... ман... Жо... ним. Жоним... Ўз...нинг сан... о жоним...

Осто... нага, но... чор... бўлдим-да, келдим...

ЗАМИРАХОН — Эшитаяптиларми?! **(магнитофон лентаси давом этади) Жоним! Жонгинам, мени хор қил... ма... хор бўл...дим, хо...р.**

ХУРРАМЖОН — **(қалтирар)** Бас!

ЗАМИРАХОН — **(Магнитофонни тўхтатиб)** Шундан сўнг, магнитофонга ёзиб бўлмайдиган, одамга хос бўлмаган қилиқлар қилдингиз. **(билагини кўрсатиб)** Мана, билагимни қаранг, кўкариб ётибди, қуйиларимни йиртиб ташладингиз.

ХУРРАМЖОН — Наҳотки, мен шундай бемаънилик қилган бўлсам. Минг лаънат ичкиликка, мени шу ҳолга туширган.

ЗАМИРАХОН — **(захарханда билан)** Бир эртакда ўқиган эдим. Қадим замонда Доғли деган бир айёр куни бўйи оғир гуноҳлар қилиб, кеч киргач ҳудога йиғлар экан: «эй худо мени шайтон йўлдан озгирди, айб шайтонда, қилди-қилди, шайтон қилди» дер экан. Ўшанга ўхшаб айбингизни ичкиликка тўнкаб, қутилмоқчимисиз, овора бўласиз.

ХУРРАМЖОН — Замирахон, мен аҳмоқлик қилганман, мени кечиринг.

ЗАМИРАХОН — Кечиролмайман.

ХУРРАМЖОН — Менга ачинмайсизми?

ЗАМИРАХОН — Ачинмайман, негаки, сиз менга ачинган эмассиз. Ҳў... Эсингизда борми, ялинганларим.

ХУРРАМЖОН — Энди менчикилик зотини менга кўрсатманг. Бети қурсин.

ЗАМИРАХОН — Ҳа, ичкиликдан шунақа кўнглингиз қолдими. Хуррамжон ака?

ХУРРАМЖОН — Кўнгил қолиш ҳам гап эканми, ҳозир ўзимдан ўтганини ўзим биламан. Қани, шартингизни айтинг?

ЗАМИРАХОН — Биламан, сиз мени олмайсиз.

ХУРРАМЖОН — Ахир ўзингизга маълумки, хотиним, тўртта болам...

ЗАМИРАХОН — **(гапин бўлиб)** Ҳа деб болангизни пеш қилаверманг.

ХУРРАМЖОН — Хўп, хўп.

ЗАМИРАХОН — Хотиним, болам! Мен нима десам, шуни қилишга мажбурсиз.

ХУРРАМЖОН — А, хўп деяпман-ку. Қани, шартингизни эштай?

ЗАМИРАХОН — Биринчи шарт шуки, дўконингизни филиали борку, анаву атторлик. Ўша ларёкни менга берасиз. Иккинчидан, мен телефон қилиб, қаерга десам ўша ерда ҳозир бўласиз.

ХУРРАМЖОН — Саломат бўлсинлар. Сиз айтган ларёкда ишлаётган одам коллектив ўртасида ишчанлиги ва ҳаллоллиги билан ҳурматга сазовор бўлиб келаётганлардан. Мен уни бесабаб бўшатиб, ўрнига сизни қўёлмайман. Иккинчи шартингиз эса, мен учун ўлимдан ҳам оғир.

ЗАМИРАХОН — Шунақами, ундай бўлса, гина ўзингиздан. **(Замирахон жахл билан телефонга келиб, номер терабошлайди. Хуррамжон ундан хавотирланиб, телефон тепасига келади).**

ХУРРАМЖОН — Қаёққа телефон қилаяпсиз? Милициягами?

ЗАМИРАХОН — Йўқ, хотинингизга!

ХУРРАМЖОН — **(Замиранинг қўлини ушлаб).** Нима, мени қароер қилмоқчимисиз?

ЗАМИРАХОН — Қўлимни тутманг, хотинингизга телефон қиламан.

ЗАМИРАХОН — Кийимларингиз лой, чўткалагунча сабр қиладилар.

ХУРРАМЖОН — Ҳе чўткаланмаса ҳам майли.

ЗАМИРАХОН — На мунча шошасиз **(кулиб)** зумда бўлади **(Замирахон ичкари уйга ўтди).**

ХУРРАМЖОН — **(ўзича)** Мен нима қилмоқчиман. Гуноҳимнинг очилишидан қўрқиб, буни гапига кўнсам, кейин нима бўлади, Нарироқ бориб бундан оғирроқ гуноҳни елкамга юкласа, унда нима қиламан. Йўқ, нима бўлсам бўлай... Замирахон!..

ЗАМИРАХОН — **(ичкаридан)** Ҳозир, кийимингизни чўткалаяпман

ХУРРАМЖОН — **(ҳаёл суради).** У мени аямайди. Албатта хотинимга телефон қилади. Яхшиси, ўзим телефон қилай. **(телефонга келиб номер теради)** Алло... Адҳамжон! Бу мен,.. дадангман. Ҳа бир жойда ётиб қолувдим... Ойингни чақиргин!.. «Ойим сизни қидириб кетдилар» дейсанми? — ...Ҳа, ..Ҳа, бораман. **(трубкани қўйди. Шу пайтда Замирахон хурсанд ҳолда Хуррамжоннинг кийимларини кўтариб чиқди).**

ЗАМИРАХОН — Мана Хуррамжон ака! Бирам кийимларингиз лой бўлибдики, ерга аганабмидингиз?

ХУРРАМЖОН — Ичкиликни оти ўчсин, нима бўлса — бўлган. Попкам қани?

ЗАМИРАХОН — Попкангизни кўрмадим, попкасиз эдингиз.

ХУРРАМЖОН — **(Ўйланиб)** Ичида баъзи ҳужжатлар бор эди.

ЗАМИРАХОН — **(Ноғланиб)** Ўша ичган жойингизда қолгандирда. **(костюмини кийгизатуриб)** Қай вақтда борай?

ХУРРАМЖОН — Замирахон, қалиги шартингизни бажара олмайман. У менинг учун ўлимдан ҳам оғир.

ЗАМИРАХОН — Айнадингизми?! Э, бебурд!

ХУРРАМЖОН — Нима десангиз дейверинг, жиноят устига жиноят қилишни истамайман.

ЗАМИРАХОН — Яхши! **(телефонга келиб номер теради)** Ким бу? Юлдузхонмисиз, яхши... эрга тегишни билибсиз-ку куткулашни билмабсиз-да... Мен Замирахонман. Эрингиз мени уйимда. Келинг, гаплашамиз! Мени адресим Фурқат кўча, уй № 19 **(трубкани қўяди).**

ХУРРАМЖОН — Уйингизни номери 19 ми?

ЗАМИРАХОН — Нима эди?

ХУРРАМЖОН — Қанақа қилиб бу уйга келиб қолганимни энди эсладим.

ЗАМИРАХОН — Эсланг, нима мақсадда ярим кечада эшикни тепиб очдирганингизни, нима машмаша кўрсатдингиз, ҳаммасини эслаб туринг! Хотингингизни чақирдим, келсалар, айтиб берасиз.

ХУРРАМЖОН — Хотинимга телефон қилдингиз, энди милициягa ҳам телефон қилинг!

ЗАМИРАХОН — Жилла шошилманг, милицияга хотинингиз телефон қилади; ёки ёқангиздан бўғиб елкангизга муштлаб ўзи олиб боради. Мен эса, ёнингиздаги гувоҳ сифатида бораман. Ҳали ҳам мен айтган шартга кўнинг! Қамалмайсиз.

ХУРРАМЖОН — Сиз айтган шартга кўнишдан қамалганим маъқул. **(Шу пайт эшик очилиб, кўзлари бесаранжом ҳолда Юлдузхон киради).**

ЗАМИРАХОН — Келдингизми, Юлдузхон!

ЮЛДУЗХОН — Келдим, нима гап ўзи?

ЗАМИРАХОН — Нима гап эканлигини эрингиздан сўрайсиз!

ЮЛДУЗХОН — Сизни нима жин урди, Хуррамжон ака?

ХУРРАМЖОН — Нима жин урганини ўзим ҳам билмайман.

ЮЛДУЗХОН — Сизни биз оппоқ тонготгунча кутиб: «машина уриб кетдими, қаерда қолди» деб ўлтирайлик-да, сиз эса...

ХУРРАМЖОН — **(гапни бўлиб)** Мени ҳар қанча қойисангиз ҳақлисиз, Юлдузхон! Лекин, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг бу хонадонга нимага келдим, ким олиб келди, мутлақо билолмайман.

ЗАМИРАХОН — **(кесатиб)** Вой тонбаей... шамол учириб ташлаб кетгандир.

ХУРРАМЖОН — Шамол учириб ташлаб кетганми, ёки ўзим эшикдан чақириб келдимми у менга қоронғи, чунки маст эдим. Такси тўхтатганимни биламан, эрталаб турсам каравотда ётибман. Ўз уйимдаман деган ҳаёлда сизни чақирсам ичкари уйдан ашула айтиб Замирахон чиқиб келди.

ЗАМИРАХОН — Эй , номард! Тўғрисини айтавер! Уйимга бостириб кирдинг, менга зўрлик қилиб қуйлакларимни йиртдинг, мана ҳамма ёғим кўкариб ётибди. **(қўлини очиб Юлдузхонга кўрсатади)** Қаранг?!

ЮЛДУЗХОН — Ў... Ёмон бўпти!

ЗАМИРАХОН — Буни орасида икки гапни бирида «мен сизни севаман севардим», деб хўнграб йиғлаганини айтмайсизми!

ЮЛДУЗХОН — Сизга уйланолмай дардлари ичларида қолиб кетганда, мастликда ростига кўчганлар.

ЗАМИРАХОН — Менга қочирма гап қилма, эринги оғзидан чиққан сўзни магнитофон лентасига ёзиб олганман. Ўз гувоҳи ўзи билан. Тегишли жойда гаплашаман.

ЮЛДУЗХОН — Безорининг гапини магнитофонга ёзиб ўтиргандан кўра, уйингизда тайёр телефон бор экан, нега милицияга ёки қўшниларга хабар қила қолмадингиз? Мен бу билан эримни «оппоқ» демайман. Лекин сизи ҳам покиза, тўғри ниятли аёл эмассиз.

ЗАМИРАХОН — Нима?!

ЮЛДУЗХОН — Ҳа, агар сиз тўғри аёл бўлганингизда бу ичкиликхўр, дайди кроватда эмас, милиция подвалида ётган бўлар эди.

ЗАМИРАХОН — Ҳа-ҳа, ҳали менга пешдаъволик қилмоқчимисан? Милиция чақираман.

ЮЛДУЗХОН — Чақир! **(Замирахон жахл билан телефонга келиб, номер тераётган эди, эшикдан шофер кириб келди, Замирахон ғалати ҳолда шоферга қараб).**

ЗАМИРАХОН — Хўш, келинг!

ШОФЕР — Кечирасиз, акамларнинг попкалари машинамда қолибди.

ХУРРАМЖОН — Ҳе, раҳмат, раҳмат! Мени бу уйга сиз келтирибмидингиз?

ШОФЕР — Ҳа ака, учиб қолиб роса мени қийнадингиз-да, уйингизни ҳам зўрга топдим.

ХУРРАМЖОН — Яшанг, бегона уйга ташлаб кетибсиз.

ШОФЕР — Йўғ-ей, қаттиқ маст эдингиз, машинага ўтиришингиз билан қаёққа юрамиз дедим. «Фурқат кўча 19-га бор» дедингиз.

ХУРРАМЖОН — Номер тўғри 19, лекин мени кўчамни номи Хислат эди. Сиз Фурқатга ташлаб кетибсиз.

ШОФЕР — Бе, эшикни тақиллатдим **(Замирага ишора қилиб)** кеннойим чиқдилар, сиз учиб қолган эдингиз, такси ҳақини хотинингиз тўлаб, олиб кириб кетдилар.

ЗАМИРАХОН — **(ўшқириб)** Қачон, сенга пул тўлаб бу одамни олиб қолдим!

ШОФЕР — Ўзи эсингиз жойидами, опа! Олти сўм бериб «раҳмат» деб олиб қолдингиз-ку, бу одамни.

ЗАМИРАХОН — Туҳмат.

ЮЛДУЗХОН — Туҳматми, бошқами гаплашамиз, Замирахон, сиз милиция чақирмоқчи эдингиз, чақиринг!

ПАРДА

Ақида ЕҚУБОВА.

(БИР ПАРДАЛИ ПЬЕСА)

ХУРРАМЖОН — Ишонмайман, ичкилик зотини менга кўрсатманг. Бети қурсин.

ЗАМИРАХОН — Ҳа, ичкиликдан шунақа кўнглингиз қолдими. Хуррамжон ака?

ХУРРАМЖОН — Кўнгил қолиш ҳам гап эканми, ҳозир ўзимдан ўтганини ўзим биламан. Қани, шартингизни айтинг?

ЗАМИРАХОН — Биламан, сиз мени олмайсиз.

ХУРРАМЖОН — Ахир ўзингизга маълумки, хотиним, тўртта болам...

ЗАМИРАХОН — **(гапни бўлиб)** Ҳа деб болангизни пеш қилаверманг.

ХУРРАМЖОН — Хўп, хўп.

ЗАМИРАХОН — Хотиним, болам! Мен нима десам, шуни қилишга мажбурсиз.

ХУРРАМЖОН — А, хўп деяпман-ку. Қани, шартингизни эштай?

ЗАМИРАХОН — Биринчи шарт шуки, дўконингизни филиали борку, анаву атторлик. Ўша ларёкни менга берасиз. Иккинчидан, мен телефон қилиб, қаерга десам ўша ерда ҳозир бўласиз.

ХУРРАМЖОН — Саломат бўлсинлар. Сиз айтган ларёкда ишлаётган одам коллектив ўртасида ишчанлиги ва ҳаллоллиги билан ҳурматга сазовор бўлиб келаётганлардан. Мен уни бесабаб бўшатиб, ўрнига сизни қўёлмайман. Иккинчи шартингиз эса, мен учун ўлимдан ҳам оғир.

ЗАМИРАХОН — Шунақами, ундай бўлса, гина ўзингиздан. **(Замирахон жахл билан телефонга келиб, номер терабошлайди. Хуррамжон ундан хавотирланиб, телефон тепасига келади).**

ХУРРАМЖОН — Қаёққа телефон қилаяпсиз? Милициягами?

ЗАМИРАХОН — Йўқ, хотинингизга!

ХУРРАМЖОН — **(Замиранинг қўлини ушлаб).** Нима, мени қароер қилмоқчимисиз?

ЗАМИРАХОН — Қўлимни тутманг, хотинингизга телефон қиламан.

ХУРРАМЖОН — Ундан кейин нима бўлади?

ЗАМИРАХОН — Нима бўлар эди. Хотинингиз ҳовлиқиб етиб келади. Сизни ўз кўзи билан кўрсин. Тундаги қилган қилиқларингизни бирма-бир айтиб бераман.

ХУРРАМЖОН — **(ялиниб)** Замирахон, секинроқ гапиринг! Қўни-қўшниларингиз эшитса яхши гап бўлмайди.

ЗАМИРАХОН — Яхшиликча қўлимни қўйиб юборинг, телефон қиламан дедимми, қиламан. Кўнмасангиз дод соламан. Қўни-қўшним йиғилиб, шу ерни ўзида масалангизни ҳал қилиб қўяқолишади.

ХУРРАМЖОН — Хўп Замирахон шартингизнинг бирига мен кўнай, қачон йўқласангиз мен ўша ерда ҳозир бўламан.

ЗАМИРАХОН — Йўқ ануниси-га ҳам кўнасиз!

ХУРРАМЖОН — Замирахон тушининг-да, тоғни қўзғатиш мумкин, аммо у одамни жилдириб бўлмайди. Ахир бировни ишдан бўшатиш учун гарданига бironта айб қўйиш керак. У ларёк бўлмаса, бошқа ларёк топтириб бераман.

ЗАМИРАХОН — Унисини билмайман. Шартимга кўнмас экансиз **(қўлини яна телефонга олиб боради)** хотинингизни чақираман.

ХУРРАМЖОН — Хўп, хўп, Замирахон, сиз айтганингизча бўлсин.

ЗАМИРАХОН — Ҳа, гап деган бундоқ бўпти.

ХУРРАМЖОН — Энди кийимларни олиб беринг, мени кидириш-аётгандир.

ЗАМИРАХОН — Кийимларингиз лой, ўтказалгунча сабр қиладилар.

ХУРРАМЖОН — Ҳе ўтказалмаса ҳам майли.

ЗАМИРАХОН — На мунча шошасиз **(кулиб)** зумда бўлади **(Замирахон ичкари уйга ўтди).**

ХУРРАМЖОН — **(ўзича)** Мен нима қилмоқчиман. Гуноҳимнинг очилишидан қўрқиб, буни гапига кўнсам, кейин нима бўлади, Нарироқ бориб бундан оғирроқ гуноҳни елкамга юкласа, унда нима қиламан. Йўқ, нима бўлсам бўлай... Замирахон!..

ЗАМИРАХОН — **(ичкаридан)** Ҳозир, кийимингизни ўтказаяпман

ХУРРАМЖОН — **(ҳаёл суради).** У мени аямайди. Албатта хотинимга телефон қилади. Яхшиси, ўзим телефон қилай. **(телефонга келиб номер теради)** Алло... Адҳамжон! Бу мен,.. дадангман. Ҳа бир жойда ётиб қолувдим... Ойингни чақиргин!.. «Ойим сизни қидириб кетдилар» дейсанми? — ...Ҳа, ..Ҳа, бораман. **(трубкани қўйди. Шу пайтда Замирахон хурсанд ҳолда Хуррамжоннинг кийимларини кўтариб чиқди).**

ЗАМИРАХОН — Мана Хуррамжон ака! Бирам кийимларингиз лой бўлибдики, ерга аганабмидингиз?

ХУРРАМЖОН — Ичкиликни оти ўчсин, нима бўлса — бўлган. Попкам қани?

ЗАМИРАХОН — Попкангизни кўрмадим, попкасиз эдингиз.

ХУРРАМЖОН — **(Ўйланиб)** Ичида баъзи ҳужжатлар бор эди.

ЗАМИРАХОН — **(Ноғланиб)** Ўша ичган жойингизда қолгандирда. **(костюмини кийгизатуриб)** Қай вақтда борай?

ХУРРАМЖОН — Замирахон, қалиги шартингизни бажара олмайман. У менинг учун ўлимдан ҳам оғир.

ЗАМИРАХОН — Айнадингизми?! Э, бебурд!

ХУРРАМЖОН — Нима десангиз дейверинг, жиноят устига жиноят қилишни истамайман.

ЗАМИРАХОН — Яхши! **(телефонга келиб номер теради)** Ким бу? Юлдузхонмисиз, яхши... эрга тегишни билибсиз-ку куткулашни билмабсиз-да... Мен Замирахонман. Эрингиз мени уйимда. Келинг, гаплашамиз! Мени адресим Фурқат кўча, уй № 19 **(трубкани қўяди).**

ХУРРАМЖОН — Уйингизни номери 19 ми?

ЗАМИРАХОН — Нима эди?

ХУРРАМЖОН — Қанақа қилиб бу уйга келиб қолганимни энди эсладим.

ЗАМИРАХОН — Эсланг, нима мақсадда ярим кечада эшикни тепиб очдирганингизни, нима машмаша кўрсатдингиз, ҳаммасини эслаб туринг! Хотингингизни чақирдим, келсалар, айтиб берасиз.

ХУРРАМЖОН — Хотинимга телефон қилдингиз, энди милициягa ҳам телефон қилинг!

ЗАМИРАХОН — Жилла шошилманг, милицияга хотинингиз телефон қилади; ёки ёқангиздан бўғиб елкангизга муштлаб ўзи олиб боради. Мен эса, ёнингиздаги гувоҳ сифатида бораман. Ҳали ҳам мен айтган шартга кўнинг! Қамалмайсиз.

ХУРРАМЖОН — Сиз айтган шартга кўнишдан қамалганим маъқул. **(Шу пайт эшик очилиб, кўзлари бесаранжом ҳолда Юлдузхон киради).**

ЗАМИРАХОН — Келдингизми, Юлдузхон!

ЮЛДУЗХОН — Келдим, нима гап ўзи?

ЗАМИРАХОН — Нима гап эканлигини эрингиздан сўрайсиз!

ЮЛДУЗХОН — Сизни нима жин урди, Хуррамжон ака?

ХУРРАМЖОН — Нима жин урганини ўзим ҳам билмайман.

ЮЛДУЗХОН — Сизни биз оппоқ тонготгунча кутиб: «машина уриб кетдими, қаерда қолди» деб ўлтирайлик-да, сиз эса...

ХУРРАМЖОН — **(гапни бўлиб)** Мени ҳар қанча қойисангиз ҳақлисиз, Юлдузхон! Лекин, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг бу хонадонга нимага келдим, ким олиб келди, мутлақо билолмайман.

ЗАМИРАХОН — **(кесатиб)** Вой тонбаей... шамол учириб ташлаб кетгандир.

ХУРРАМЖОН — Шамол учириб ташлаб кетганми, ёки ўзим эшикдан чақириб келдимми у менга қоронғи, чунки маст эдим. Такси тўхтатганимни биламан, эрталаб турсам каравотда ётибман. Ўз уйимдаман деган ҳаёлда сизни чақирсам ичкари уйдан ашула айтиб Замирахон чиқиб келди.

ЗАМИРАХОН — Эй , номард! Тўғрисини айтавер! Уйимга бостириб кирдинг, менга зўрлик қилиб қуйлакларимни йиртдинг, мана ҳамма ёғим кўкариб ётибди. **(қўлини очиб Юлдузхонга кўрсатади)** Қаранг?!

ЮЛДУЗХОН — Ў... Ёмон бўпти!

ЗАМИРАХОН — Буни орасида